

Rahbar: Jo'raboyev A

Mavzu: Banklarнинг ресурс бозори ва уларни такомиллаштириш

Кириш.

I боб. Bankларнинг ресурс бозорини шакллантиришни назарий асослари.

I.1. Мамлакат иқтисодиётини ривожланишида bankларнинг ресурс бозори

I.2. Bankларнинг ресурс бозорини турлари ва уларнинг тавсифи.

I.3. Bankларнинг ресурс бозорини ривожлантиришда bankлараро кредит ресурс бозори ўрни.

II боб. Bankларнинг ресурс бозорини шакллантириш ва уларни ривожлантириш.

II.1. Bankларнинг ресурс бозори таркиби ва ривожланиш таҳлили.

II.2. Тижорат bankлари ресурс бозорини шаклланиши таҳлили.

II.3. Тижорат bankлари ресурсларида bank мижозларини тутган ўрни ва уни бажарилиши таҳлили.

III боб. Ўзбекистон республикасида bankларнинг ресурслар бозорини такомиллаштириш йўллари.

III.1. Bankларнинг ресурс бозорини ривожлантиришда хориж тажрибаси

III.2. Молиявий инқироз шароитида bankларнинг ресурс бозорини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш ва модернизациялаш, бозор ислохотларининг янада чуқурлаштирилиши натижасида йилдан-йилга салмоқли натижалар қўлга киритилиб, барқарор иқтисодий ўсиш йўналиши мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсатнинг тўла ва изчил амалга оширилиши, иқтисодийнинг муҳим устувор тармоқларининг белгилаб берилиши ҳамда уларни ривожлантириш бўйича барча имкониятларнинг сафарбар этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз И.Каримов маъруза қилиб, ўтган йилда эришилган ижобий натижалар, мавжуд муаммо ва камчиликларга танқидий баҳо бериб, 2011 йилда республикани иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва мақсадлар, ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда банк соҳасининг ривожланиши кейинги йилларда яққол кўзга ташланмоқда. Бу ривожланишни қуйидаги кўрсаткичларнинг мунтазам равишда ўсиб бориши орқали баҳолаш мумкин: тижорат банклари активларининг ҳажми; фаолият кўрсатаётган мини-банклар сони; кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори; тижорат банкларида аҳоли омонатлари қолдиғи; тижорат банкларининг ялпи капитал миқдори.

Банк тизимини ривожлантиришнинг муҳим вазифалардан бири республикаимизда банкларнинг ресурс бозорини ривожлантиришни такомиллаштириш ҳисобланади.

Муаммони урганилган даражаси. Банк тизими тўғрисида К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, О.Богачева, Л.Павлова, В.Горегляд, И.Подпорина, В.Коков, Ю.Любимцев, А.Илларионов, В. М. Родионова, Л. А. Дробозина, Ш.К.Гатаулин, Т.С.Маликов, Ё.А.Абдуллаев, Ш.З.Абдуллаева, Д.И.Шаулов, У.Т.Кан, Н.Хайдаров, Х.Н.Жамолов каби Ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида акс этирилган. Муаммони

урганишда ушбу илмий асарлардан фойдаланамиз ва мавзунини очиқ беринга ҳаракат қиламиз.

Мавзунинг асосий мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида мини-банкларни ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш масалаларини урганишдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

-мамлакат иқтисодиётини ривожланишида банкларнинг ресурс бозорини ўрганиш;

- банкларнинг ресурс бозорини турлари ва уларнинг тавсифини ўрганиш;

-банкларнинг ресурс бозорини ривожлантиришда банклараро кредит ресурс бозори ўрнини ўрганиш;

-Банкларнинг ресурс бозори таркиби ва ривожланиш фаолиятини таҳлил қилиш;

-Тижорат банклари ресурсларида банк мижозларини тутган ўрни ва уни бажарилиши таҳлили ҳолатини ўрганиш;

-Молиявий инқироз шароитида банкларнинг ресурс бозорини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари очиқ бериш ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг объекти бўлиб, Наманган вилоят “Агробанк” ОАТБ бошқармаси мисолида таҳлил ишлари амалга оширилади.

Мавзунинг предмети бўлиб, банкларнинг ресурс бозорини ривожлантириш йўллари ўрганиш ҳисобланади.

Мавзунинг амалий аҳамияти республикамиздаги олий укув юртлири талабалари, коллежда бевосита шу мутахассислик билан шуғулланувчи ўқитувчилар маъруза матни сифатида фойдаланишлари, шунингдек, ушбу соҳага оид иш билан шуғулланувчилар ва қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Ишнинг таркиби унинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кириш, уч боб, ҳулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилади.

Ишнинг биринчи бобида,Банкларнинг ресурс бозорини шакллантиришни назарий асослари ёритиб берилади.

Ишнинг иккинчи бобида, банкларнинг ресурс бозорини шакллантириш ва уларни ривожлантириш йўллари келтирилган.

Ишнинг учинчи бобида, Ўзбекистон республикасида банкларнинг ресурслар бозорини такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Хулоса қисмида битирув малакавий иши бўйича натижалар, муаммолари ва уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар келтирилади.

I боб. Банкларнинг ресурс бозорини шакллантиришни назарий асослари.

I.1.Мамлакат иқтисодиётини ривожланишида банкларнинг ресурс бозори.

Ҳозирги пайтда банк соҳасини ривожлантириш ва иқтисодий жихатдан юксалтириш учун кредит муассасаларининг барқарорлигига эришиш жуда муҳимдир. Маълумки, қўйилмаларни жалб этиш ва банк ресурсларини купайтиришда унинг обриси хал килувчи омил саналади. Бу обру тижорат банклари пасивларини бошқариш сифатига куп жихатдан боглик бўлади. Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари тармогини кенгайтириш улар уртасида депозитлар, банклараро кредит ва бошқа ресурсларни жалб этиш учун рақобатни юзага келтиради.

Кенг маънода пасивлар операцияларини бошқариш омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб этиш ва мазкур банк учун маблағлар манбалари тегишли комбинациясини белгилаш билан боглик фаолиятдир. Тор маънода эса, пасивлар операцияларини бошқариш деганда заруриятга кура қарз маблағларини фаол равишда топиш йўли билан ликвидликка бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Депозит сертификатларини жойлаштири олиши ҳамда евродолларлар ёки маблағларни Марказий банкдан қарзга қарзга олиши мумкинлиги банкнинг кам даромадли иккиламчи захира активларига камроқ даражада қарам бўлишига имкон беради. Бу эса, унинг фойда олиш имкониятларини кенгайтиради. Лекин бу операциялар таваккалчилик билан богликдир. Пасивлар операцияларини бошқаришда ушбу қушимча таваккалчиликни ва бундан ташқари, маблағларни жалб этиш харажатлари билан ушбу маблағларни қарзлар ва қимматли қозғаларга жойлаштиришдан олиниши мумкин бўлган даромад уртасидаги нисбатни эътиборга олиш керак. Бинобарин, активларни бошқариш ва пасивлар операцияларини бошқариш уртасидаги ўзаро алоқа банкнинг фойда қуриши учун хал килувчи аҳамиятга эга.

Ресурслар негизи банк фаолияти учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Биз биламизки, тижорат банклари активлар операцияларини ўзларида мавжуд бўлган ҳамда жалб этилган пул маблағлари манбалари доирасидагина амалга ошири оладилар. Бинобарин, айтилган пасивлар операциялари активлар операцияларининг ҳажми ва миқёсини белгилайди. Банк пасивларини шакллантириш ва макбуллаштириш жараёни, тижорат банкларининг ресурс

салоҳиятини ташкил этадиган пул маблағлари барча манбаларини бошқариш сифати муҳим аҳамият касб этади. Банкнинг барқарор ресурслар негизи унинг активлар операциялари барча турларини муваффақиятли равишда утказиш имконини беради. Шу сабабли, ҳар бир тижорат банки ўз ресурслари негизини ошириб боришга интилади.

Тижорат банклари қарз маблағларини кенг жалб этмоқдалар. Қарз маблағлари ҳисобига активлар жами микдорининг 80 фоиздан кўпроғи шаклланади. Банк операцияларидан олинadиган нисбатан юқори бўлмаган фойда арзонгина қарз маблағларидан, шу жумладан депозитлардан фойдалиниш пировард натижада акциядорларнинг макбўл даромад олишларини таъминлайдиган микдорга етиши керак.

Қарз маблағларини жамлаш имконияти куп жихатдан қуйидаги ташки омилларга боғлиқ бўлади:

- иқтисодий фаоллик даражасига;
- минтаканинг ривожланганлик даражасига;
- муқобил қўйилмалар имкониятларига;
- инфляция юзасидан килинадиган тахминларга.

Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш сиёсатини ривожлантирадиган ва тулдирадиган пасивларни бошқариш назарияси қуйидаги икки асосга эга.

Биринчиси - тижорат банки ликвидлик муаммосини қушимча пул маблағларини капитал бозорида сотиб олган ҳолда жалб этиш йўли билан ҳал эта бориши мумкин. Реал тарзда ушбу фикр-мулоҳаза гарб мамлакатларида амалда руёбга чиққан.

Иккинчидан - тижорат банки ўз ликвидлигини Марказий банкдаги кенг миқёсда қарзга бериладиган пул маблағларидан ёки вакил банкларидан қарзга олинadиган, шунингдек евровалюталар бозоридан олинadиган қарзлардан фойдаланиб таъминлаши мумкин.

Кейинги йилларда банклар ўз ликвидликларини таъминлаш учун кенг миқёсда қарз олишдан фойдаланмоқдалар. Қарз маблағларидан фойдаланиш қуламини кенгайтириш кейинги йилларда банк кредитларига талаб ошганлиги ва талаб килингунгача омонатлар нисбатан секин қупаяётганлиги билан

белгиланади. Иқтисодий фаоллик кучайиши ва инфляция суръати ошиши хўжалик фирмаларининг кредитларга оид эҳтиёжлари ошишини англатар эди. Бундан ташқари, фирмалар ҳам, хусусий шахслар ҳам фоиз ставкаларига нисбатан сезгирроқ бўлиб қолганлар. Шулар муносабати билан, таъкидлаб утганимиздек, талаб қилингунгача омонатлар қупайиши секинлашди. Харажатлар қупайиши банкларни ўз ресурсларидан туликроқ фойдаланишга ундади. Бу эса аввалги йиллардагига нисбатан ссуда/депозитлар коэффицентининг ошишига олиб келди.

Бунинг оқибатида банкларнинг маблағларга эҳтиёжи вақти-вақти билан ошади. Банклар ушбу вақтинчалик эҳтиёжни халқаро амалиётда банклараро кредитлар, захира фондлари, РЕПО битимлари ёки евродолларлар бозоридан қарз олиш ёрдамида қондирадилар.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг асосий концепцияларидан бири банклараро кредитлар назарияси ҳисобланади.

Банклараро кредитлар назарияси

Марказий банк ёки вакил банкдан қарз олиш захираларнинг (бинобарин, ликвидликнинг ҳам) ҳолатини тўзатиш учун маблағларни сафарбар этишнинг «хисоб ойнаси» (*diskount window*) деб ҳам номланадиган бир усулидир. Захираларни бараварлаштириб боришнинг ушбу усули кенг ёйилмаган бўлса-да, бундай қарзлар Марказий банк томонидан назорат қилинади.

Маблағ жойлаштиришдан наф қуришдан ташқари, кредитор банклар банк фаолиятининг бошқа масалалари бўйича ҳам амалий шерикчилик муносабатлари урнатиш имкониятига эга бўладилар. Молиявий барқарор катта банклардан ташқари, ташкил қилиниш, ривожланиш босқичида турган банклар буш кредит ресурсларига эга бўлади. Улар ҳозирча миқдорлар етишмаслиги даврини бошдан кечиришмоқда.

Кредит ресурсларининг ўрнини қоплаш муддатлари турличадир. Халқаро амалиётда 1,3 ва 6 ой муддатидаги депозитлар, бир кундан токи бир неча йилгача энг юқори муддатлилар кўпроқ тарқалган. Банклараро кредит бўйича ставка одатда, хўжалик юритувчиларга берилган кредитлар бўйича белгиланадиган фоиз ставкаларидан пастроқ бўлади ва Марказий банкнинг

расмий хисобга олиш ставкасига мувофиқ равишда тўзатилади. Қарз оловчи банк бошқа банклардан кредит ресурслари жалб этишига унинг ўз миждоларининг қарз маблағларига бўлган эхтиёжларини қондириши, яъни ўз кредит қўйилмаларини кенгайтириши ҳамда банк ликвидлигини тартибга солиб бориш зарурияти сабаб бўлади. Банклараро кредит жалб этиш иккита усулда: мустақил равишда, тўғридан-тўғри мўзокаралар йўли билан ёки молиявий воситачилар орқали амалга оширилади. Банкларнинг ўзлари банклараро кредит тўғрисида келишилган тақдирда уларнинг муносабатлари махсус шартнома билан расмийлаштирилади. Банклараро шартномаларнинг аксарияти муддатли шаклда, қолганлари эса муддатсиз шаклда тузилади. Иқтисодий барқарорлик бўлмаган шароитда кредит бозорида қандай вазият юзага келишини ва банкнинг молиявий ахволи қандай бўлишини олдиндан билиш қийин. Чунки, кредит ресурслари етишмаслиги ёки ортиқча бўлиб қолиши мумкин. Банклараро шартноманинг муддатсиз шакли банклараро кредитни шартномада белгиланган энг қисқа муддатга беришни қўзда тутди. Бу муддат тугаганидан кейин кредит муддатсиз кредитлар тоифасига утади, яъни кредитор - банк томонидан олдиндан маълум қилинган ҳолда исталган пайтда талаб қилиб олиниши мумкин. Кредит ресурсларини қарзга олган банк уларни қайтариш имкониятига эга бўлмаса, у бошқа банкларнинг муддатли қарзларидан фойдаланади.

Буш ресурслар жалб этиш (жойлаштириш) тўғридан-тўғри (сотувчи-харидор) эмас, балки воситачи иштирокида кечади. Банкларнинг ўзлари, брокерлик идоралари, фонд биржалари, молия уйлари, кредит дуконлари шу йусинда қатнашишлари мумкин.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг асосий концепцияларидан яна бири *евродоллар бозоридан қарз олиш назарияси* хисобланади.

Евродоллар бозоридан қарз олиш назарияси

Евродолларлар бозоридан қарз олиш йирик тижорат банклари учун иложи бўлган пассивларни бошқариш инструментиدير. Ундан чет элда филиаллари бўлган банклар ҳам, бундай филиаллари бўлмаган банклар ҳам фойдаланади. Евродолларлар - АКШ долларларида ифодаланган ва АКШ дан

ташқаридаги тижорат банкларида, шу жумладан, Америка банкларининг филиалларида сакланадиган қўйилмалардир. Евродолларлар АКШ банкининг америкалик ёки чет эллик омонатчиси чет элдаги банкка ёки Америка банкининг филиалига маблағ утказганида юзага келади. Ушбу операция утказилиши натижасида АКШдаги омонатга эгалик қилиш чет элдаги молия муассасасига утади. Бу муассасанинг АКШ долларларида копланиши шарт бўлган мажбурияти юзага келади. Мазкур ҳолда АКШдаги жами банк қўйилмалари ўзгармасдан қолади. Лекин чет элда АКШ долларларидаги янги депозит мажбурияти - евродолларлар пайдо бўлади.

Евродоллардаги қарзларнинг анча қисми Америка банкларининг чет элдаги ўз филиаллари олдидаги мажбуриятларининг қупайишида ифодаланади. Бунда қарзларнинг 75 фоизи Нью-Йоркдаги энг йирик муассасаларнинг филиалларига тўғри келади. Ушбу депозитларни қабўл қилиб оладиган Европа банклари ва филиаллари уларнинг эгалари, одатда АКШ пул бозоридаги ставкалардан юқори ставкалар бўйича фоиз тулайдилар ва Америкадаги ҳамда чет элдаги фирмаларга, шунингдек, АКШ банкларига қарзга пул берадилар. Кредитга эҳтиёжни қоплашга етарлича маблағни мамлакат ичида жалб этишга тижорат банкларининг қурби етмаган тақдирда улар зарур ресурсларни олиш учун евродоллар бозорига мурожаат қиладилар. Қупинча бу манбадан банкларда утказилаётган муддатли депозит сертификатлари сўммаси қисқарган ёки бир озгина ошган даврларда фойдаланилади.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг концепцияларидан яна бири *захира фондларини олиш назарияси* ҳисобланади.

Захира фондларини олиш назарияси

Захира фондларини олиш - ликвидликни таъминлаш мақсадида кредитдан фойдаланишнинг кенг тарқалган усулларида биридир. Ушбу фондлар Марказий банкдаги ҳисобварақларда сакланадиган депозит қолдиқларидир. Қутилмаганда қўйилмалар оқими кела бошлаган ёки ссудалар қисқарган тақдирда тижорат банкларида ортиқча захиралар юзага қилиши мумкин. Бу маблағлар даромад келтирмаслиги сабабли, банклар уларни қиска

фурсатга бошқа банкларга фойдаланиш учун бериб куядилар. Захиралар мажбурий хажмини тиклаш ёки активлар сотиб олиш учун маблағга мухтож бўлган банклар эса ушбу ортикча маблағларни бажонидил сотиб оладилар. Захира фондларига оид бир кунлик операциялар ўз мохиятига кура, ссудалар билан таъминланмаган бўлади. Баъзан банкларнинг бири бошқасига давлатнинг кимматли коғозларини сотадиган бўлса, битим кайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битим шаклини касб этади. Бундай битимлар, одатда бир кунлик муддатга мулжалланади. Лекин, айрим битимлар буйича тулов муддати бир hafta ёки hatто, бир неча haftани ташкил этиши мумкин. Захира фондларига оид операциялар механизмини оддийгинадир. Таъминланмаган типик битим тўзилган такдирда иккита банк шарт-шароитлари тўғрисида келишади, сотувчи банк Марказий банкка белгиланган микдордаги маблағни ўзининг захира фондидан харидор банкнинг захира хисобварагига указишни таклиф этади. Кейинги куни банк очилиши чогида аксинча битим амалга оширилади. Фоизлар одатда алохида чек билан туланади.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг концепцияларига кайтариб сотиб олиш тўғрисида битимлар назариясини ҳам кушишимиз мумкин.

Захира фондларига оид банклараро операцияларга кушимча равишда банклар билан давлат кимматли коғозлари буйича дилерлар ҳамда бошқа инвесторлар уртасида шуларга ухшаш битимлар амалга оширилади. Бу битимлар кайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битимлар (*repurchase agreements I RF*) ёки шунчаки «репо» деб номланади. Бундай битимда активларни сотиш кайтариб сотиб олиш шартлари асосида белгиланган кунда ва олдиндан келишилган нархда амалга оширилади. Бундай битимлар вақтинча буш маблағлар учун мухим канал бўлиб колган. Чунки, уларнинг иккала томоннинг эхтиёжларига мослаштириш осон. Улар бир кундан бир неча ойгача муддатга тўзилиши мумкин. Лекин купинча киска муддатга тузилади. Таввакалчилик хатари юқори эмаслиги «репо»нинг афзаллигидир. Чунки «репо» битимлари - банк захираларини бараварлаштиришнинг энг яхши воситасидир. Банк активларни кайтариб сотиб олиш мажбуриятини олган холда сотганида тулов харидорнинг депозит хисобварагини дебетлаш йўли

билан ёки бошқа банкка ёзиб берилган чек орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолда банкнинг мажбурый захиралари камаяди. Чек олганида эса номига чек ёзилган банкнинг захираларига нисбатан сотувчи банкнинг муайян ҳуқуқлари юзага келади. Одатда, бундай битимга кимматли коғозлар объект бўлса-да ссудалар ҳам шундай объект бўлиши мумкин.

Киска муддатли давр ичида пассивларни бошқариш қуйидаги қоидаларга риоя этишни назарда тутати:

-активлар ва пассивларни қайтариш муддатларидаги ўзулишлар ёки турли вақт оралиқларидаги фоизларга сезгир активлар ва пассивларнинг ҳажмлари уртасидаги номувофиқликларни синчковлик билан қўзатиб бориш. Фоиз ставкалари динамикаси ҳисоб-китоб ставкасидан фарқли бўлса, ликвидликнинг сусайиш хавфи ошади;

-фондлаштириш манбалари бўйича таваккалчиликларни диверсификациялаш ва ресурсларни тулдиришнинг муқобил тарздаги хилма-хил манбаларини топиш.

Фондларни бошқариш стратегиясини бошқара бориб, тижорат банклари банк хизматлари бозорида:

-муддатли депозитли майда омонатчиларни;
-муддатли катта қўйилмали кам сонли йирик мижозларни қўзлаб ҳаракат қилишлари мумкин.

Пассивларни бошқаришда банк хизматлари бозорини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил ушбу минтақадаги бошқа банкларнинг қўйилмаларини жалб этиш шарт-шароитлари тўғрисида ахборот беради. Банк қуйидагиларни:

- қўйилмаларга оид манфаатлироқ шарт-шароитларни;
- янги молиявий маҳсулотларни;
- қушимча хизматларни (масалан, бозор тўғрисидаги ахборотни ва бошқа кредит муассасалари фоиз ставкаларининг такқосланиши);
- хизмат курсатишнинг юқорироқ даражасини таклиф этса, рақобатбардошлиги ошади.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг пассивларини бошқариш кредит муассасаси фаолиятининг жуда муҳим йўналиши саналади.

I.2. Банкларнинг ресурс бозорини турлари ва уларнинг тавсифи.

Тижорат банклар ресурслари банк бошқарувида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг зарурлиги - банк амалга ошираётган актив фаолиятда ҳамда операциялар микдорида билинади. Банк ресурслари актив операциялар орқали иктисодтга жойлаштирилган микдоридан даромад шаклланади. Чунончи, банк ресурслари канча куп бўлса, даромади ҳам купаяди.

Одатда, банкирлар банк ресурсларини банк пассивлари ҳам деб аташади. Бу ибора банк ресурсларининг асосан банк балансининг пассив қисмида жойлашганлигидан келиб чиққан. Яъни, банк пассивлари - унинг ресурс маблағларнинг вужудга келиш манбалари ва уларнинг қайси гуруҳга таалуклилигини ифодалаб беради.

Тижорат банклар ўзларининг актив фаолиятини ўзларида мавжуд бўлган ўз ва жалб қилинган пул маблағлар доирасида юрита оладилар. Айнан пассив операциялар актив операцияларни олиб бориш учун асос яратади ҳамда даромадли операцияларининг ҳажмини ва қуламини аниқлаб беради. Шундан келиб чиқиб, тижорат банклар ресурслари деганда, актив операцияларга асос яратувчи ва уларни амалга ошириш учун ишлатилувчи, уларнинг ҳажми ва масштабини аниқлаб берувчи маблағларга айтилади.

Банк ресурсларини пухта урганиш учун уларни гуруҳларга ажратиб таснифлаш лозим. Тўғри, банк ресурсларининг туркумланиши уларни бошқаришда жиддий ўзгариш яратмайди, аммо уларни урганишнинг тизимли ёндашувини вужудга келтириш учун асос яратади.

Тижорат банклари ресурсларининг шаклланиши жихатидан таснифланиши банкирлар ва иктисодчи-олимлар томонидан турлича урганилади. Бу борадаги утқазилган илмий тадқиқотлардан асосий уч гуруҳга бўлиб урганиш мумкин.

Биринчи гуруҳ олимлари - «банк ресурсларини шаклланиши жихатидан иккига бўлиб урганган, яъни банк ресурслари банкнинг ўз капитали ва жалб қилинган маблағлардан иборат» деб таъкидловчи олимлардир. Бу гуруҳга Россия олимларидан - Букато В.И. ва Львов Ю.И.ларни ва бошқа олимларни киритиш мумкин. Улар ўзларининг «Банки и банковские операции в России»¹

китобида. Лаврушин О.И. «Банковское дело» китобида «тижорат банк ресурслари шаклланиши жихатидан, ўз ресурслари ва жалб килинган маблағларга бўлинади»², - деб айтиб утган. Масленченков Ю.С. «Финансовый менеджмент в коммерческом банке» китобида: «банк ресурсларини ўз ва жалб килинган маблағлардан ташкил топади»³, - деб урганади. Бўларнинг ишларидан куришимиз мумкинки, бу иктисодчи-олимлар ресурсларнинг таркибий шаклланишига куп эътибор бериб, банк ресурсларини фақат икки гуруҳга бўлиб урганганлар.

Иккинчи йуналиш олимлари, бу гуруҳга Россия олимларидан - Садвакасов К.К., Киселев В.В.лар киради. Бу гуруҳ олимлари банк ресурсларини урганишда таркибий жихатдан уч йирик гуруҳга бўлиб таснифлайдилар. Яъни, банк ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб килинган маблағлари ва эмитентлашган маблағлар. Россия олимларининг иккинчи гуруҳи каби, Ўзбекистонлик олимлардан Абдуллаева Ш. З., ҳам банк ресурсларини уч йирик гуруҳга бўлиб урганган. Хусусан, Ш.З.Абдуллаева ўзининг «Банк иши» китобида: «Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб килинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади»⁴ - деб таъкидлаган.

Россия ва Ўзбекистон иктисодчи-олимлардан фарқлироқ, учинчи гуруҳ олимлари, бўларга Европа ва АКШ иктисодчи-олимлари киради, банк ресурсларини урганишда банк капитали ва банк пассивларига бўлиб урганадилар. Яъни банк пассивларига банк капиталини кушмайдилар. Жумладан, АКШ иктисодчи олимлари Financial Markets»⁵ китобида, Швейцария олимлари Claudia Dziobek «Instruments for Bank Restricting»⁶ илмий ишида, Rode V. «Commercial Banks in a modern economy»⁷ китобида банк ресурсларини - банк пассивларига ва банк капиталига бўлиб урганган.


Биз тижорат банкларининг ресурсларини фақат икки гуруҳга, яъни ўз маблағлари ва жалб килинган маблағларга бўлиб урганмокчимиз. Чунки, бизнинг фикримизча, қарз маблағлар ёки эмитентлашган маблағлар ҳам

четдан жалб килинади, шунинг учун уларни алохида гурухга бўлиб урганиш шарт эмас деб ҳисоблаймиз ва қарз ҳамда эмитентлашган маблағларини жалб килинган маблағларнинг бир бўлаги сифатида куриб чиқамиз. Бундай ёндашув, бизнинг фикримизча, банк ресурсларини тушинишни соддалаштиради.

1-расмда биз тавсия этган банк ресурсларининг классификацияси курсатилган.

1-Расм

Тижорат банклари ресурсларининг классификацияси



Биринчи расмдан куруниб турибдики, тижорат банк ресурсларининг асосий икки гурухининг биринчи гурухи - ўз маблағлари хисобланади.

Банкларнинг ўз маблағлари - бу банкка тегишли бўлган маблағлар бўлиб, уларга банк капитали, таксимланмаган фойда, келгуси давр даромадлари, хисоб-китоблар тизимидаги ўз маблағлар ва номоддий активлар киради. Демак, банкнинг ўз маблағлари деб, тижорат ва хўжалик фаолиятидаги молиявий баркарорлигини таъминлаш учун хосил килинган турли фондлар ҳамда утган ва жорий йил фаолиятидан олинган даромадни тушиниш керак.

Банкнинг ўз маблағлари таркиби бир хил эмас ва турли омиллар орасида ўзгариши мумкин. Масалан, уларнинг активлари сифати, ўз даромадидан фойдаланиши, стратегияси, банкнинг капитал базасини таъминлаш буйича сиёсати кабиларга боғлиқ.

Тижорат банклари пасивларининг иккинчи гурухи - бу жалб килинган маблағлардир. Бу маблағлар банк таъсисчиларига тегишли эмас, улар четдан,

яъни банк миџозларидан жалб килинади. Банк муассасаларининг хусусияти ҳам шундан иборатки, уларнинг ресурсларининг асосий кисми жалб килинган маблағлардан иборатдир. Тижорат банкларнинг ресурсларни жалб килиниши Марказий банк томонидан назорат килинади ва у тижорат банкларнинг ўз маблағлари хажмидан ва ҳукукий-тўзулиши шаклидан келиб чиқади.

Ихтиёрий банк пасивларининг асосий кисмини - депозитлар ташкил этади. «Депозит» сўзи - бир неча маънони билдиради. Масалан, банкларга ёки бошқа кредит-молия ташкилотларига саклашга берилган пул маблағлари ёки кимматбаҳо коғозлар, божхона божи туланадиган қўйилмалар, йигилган соликлар, рискни таъминлаш учун административ органлардаги қўйилмалар ва ҳақозо. Иктисодчилар «депозит» тушунчасига бир канча фикрлар билдирганлар. Баъзи иктисодчилар, депозитни - қўйилма, омонат ёки вақтинча буш турган пул маблағлари деб изоҳлайдилар. Аммо, бизнинг фикримизча, бундай алоҳида категория сифатида бўлиши шарт эмас, чунки бўларнинг ҳаммаси бир маънони англатади. Агарда уларнинг функциялари ёки улар бажарадиган вазифалар турлича бўлганда эди, уларни турли атамалар билан изоҳлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ортиқча атамалар киритилиши эса тушунмовчиликларга олиб келади. Шунингдек, Францўз олими Пьер Берже, ўзининг «Пул механизми» китобида, «...депозит (қўйилма) - деганда, чалкашишлар келиб чиқади. Кредит раками ёки кредит сальдоси деган терминлар, депозитларнинг моҳиятини янада туликрок тушунтиради...»⁸ деган фикрни юритади.

Биз депозит тушунчасини шундай ифодалаймиз: «Депозит бу кредит муассасаларида саклаш ёки махсус-мақсадга қўйиладиган пул мабларидир».

Тўғри, солиқ сўммаси ноаниқ пайтда, олдиндан туланган сўмма ҳам, бож учун олдиндан утказилган сўмма ҳам, саклаш учун берилган кимматбаҳо коғоз ҳам депозит деб аталиши мумкин. Аммо, олдиндан туланган солиқ ёки бож - аванс тулови дейилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай килиб, депозит сўзи фақатгина кредит муассасаларидаги ракамлардаги маблағларга айтилиши керак. Бундай классификация чалкашишларнинг олдини олади.

Бундан ташкари, бизнинг фикримизча, Россия олимларининг: «вақтинча буш пул маблағлари» - деган фикрини депозит таърифидан олиб ташлаш керак. Чунки, агарда депозит фоизидан келадиган даромад, хўжалик субъектининг «ишчи маблағлари»дан келадиган даромадга нисбатан юқорирок бўлса, бу субъект барча маблағларини депозит ракамига кўйяди ва унинг фоизини олади. Демак, депозитга кўйладиган маблағ буш бўлиши шарт эмас.

Депозитлар банкларда маълум вақтда қолиб, кредит олувчи мижозга маълум даромад келтиради, шунинг билан бирга банкка ҳам даромад келтиради. Банкларнинг даромади қарз олувчининг фоиз сўммасидан кредиторга туловчи фоиз сўммаси фарқи орқали қолиб чиқади.

Халқаро банк амалиётида, қўйилмаларга маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ операцияларни - депозит операциялар дейилади. Депозит операцияларга, маълум бир муддатга ёки талаб қилиб олингунча депозитга жалб қилиш билан боғлиқ операциялари қиради. Депозит операцияларининг субъектлари: банк - қарз олувчи бўлиб, пул эгалари - кредитор бўлиб ҳисобланади. Яъни, субъекти сифатида: давлатнинг қорхона ва ташкилотлари, муассасалари; кооперативлар, акционер жамиятлар, қўшма қорхоналар, жамият ташкилотлари ва фондлари, молиявий ва сугурта компаниялари, инвестицион ва траст компаниялар ва фондлар, жисмоний шахслар, банк ва бошқа кредит ташкилотлари иштирок этиши мумкин. Объекти бўлиб эса, банкга берилган пул маблағлари ҳисобланади.

Демак, мижозлардан ва бошқа кредиторлардан маблағ жалб қилиш-банкларнинг пассив операцияларнинг асосий қуриниши ҳисобланади. Бу маблағлар жалб қилиниши турига қараб, депозит рақамлари ҳам турли хил бўлади. Уларни - депозитни ташкил қилиш манбаи бўйича, мақсадлилиги, фоиз даражаси ва ҳақозо мезонлар бўйича классификациялаш мумкин. Аммо, негизи сифатида, мижознинг категорияси ва депозитни олиниши бўйича амалиётда кенг қўлланилади.

Бу категориялар бўйича классификацияланиши турли мамлакатларда турличадир. Масалан, АКШ да депозитларни асосий икки гуруҳга, яъни трансакцион ва но-трансакцион депозитларга бўлиб урганади⁹. Бизнинг

Республикамизда, депозитларнинг иқтисодий моҳияти ва ишлатиш муддатига қараб уч гуруҳга бўлиб урганилади. Бўлар - талаб қилинганча (аниқ муддат белгиланмайдиган), муддатли (маълум бир муддатга қўйиладиган) ва жамғарма (жамғариш учун қўйиладиган) депозитлар.

Умуман, тижорат банкининг ресурс потенциалини ташкил этувчи банк пасивларининг шаклланиши ва оптималланиши жараёнлари, барча пул маблағларининг манбаларини бошқариш сифатида муҳимликни талаб қилади. Банкнинг доимий ресурс базаси унинг ссуда ва бошқа актив операцияларни муваффақиятли ўтказишга ёрдам берар экан, ҳар бир тижорат банк ресурсларини оширишга ҳаракат қилади.

Биринчи расмдан қурилиб турибдики, тижорат банк ресурсларининг асосий икки гуруҳининг биринчи гуруҳи - ўз маблағлари ҳисобланади. Банкнинг ўз маблағларига қўйиладиган таъриф берилиши мумкин.

Банкнинг ўз маблағлари деб, тижорат ва хўжалик фаолиятидаги молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ҳосил қилинган турли фондлар ҳамда ўтган ва жорий йил фаолиятидан олган тақсимланмаган фойдаларни тушуниш керак.

Тижорат банклари ўз маблағларининг ичида асосий роллардан бирини банк капитали бажаради. Банк капитали ликвид молиявий, лекин даромад келтирмайдиган ёки жуда кам даромад келтирувчи активларга хизмат қилади. Банк капиталининг хусусияти шундан иборатки, унинг салмоғи банк ресурсларида кичик бўлишига қарамасдан, у зарур функцияларни бажаради. Банк капиталининг мавжудлиги банкни ташкил топиши ва унинг фаолият курсатиши учун энг асосий заруриятлардан биридир. Банк капитали банк балансининг пасивида жойлашади. Банк ўз ресурслари банкрот ҳолатига тушганда даъволарни қоплашининг муҳим сугурта фонди ва банк операцияларини ривожланишини молиялаштириш манбаси бўлгани учун унга алоҳида эътибор берилади. Қўпчилик тижорат банклари акционер банк ҳисобланади. Ҳар бир банкнинг капитали акционерлар инвестиция қилган ва кейинчалик фойда ва зарар ҳисобига қўшилган ёки айирилган қийматига тенг бўлади.

Ўз капиталнинг салмоги канча катта бўлса, шунчалик куп юқори ликвидли активлар банк мажбуриятларига хизмат курсатади. Бунинг натижасида жалб килинган маблағлар буйича мажбуриятлар бажарилгани учун маблағлар кайтиш даражаси маблағлар кетиш даражасидан ошади. Бу ҳолат банк қарз олувчи бўлиб ишлаганда, маблағларни жойлаштириш муддати ва сўммасининг маблағлар кайтарилиши сўммаси ва муддати билан мос келишини осон назорат килади.

Устав ёки акционер капиталга куйиладиган кимматбаҳо коғозлар юқори ликвидли бўлишлари керак. Улар учинчи шахс томонидан чиқарилган бўлиши керак. Акционернинг ўзи чиқарилган кимматбаҳо коғозлари устав ёки акционер капиталга куйилиши мумкин эмас. Капиталга куйилган кимматбаҳо коғозлар шартнома тўзилган кундаги бозор баҳосида ҳисобга олинади.

Агарда, қўйилма натурал шаклда куйиладиган бўлса, унда ҳар бир акционер, мулкни мустақил аудитор баҳолашини сураши мумкин. Капиталга куйилган материал мулкнинг улуши (бинодан ташқари) биринчи 2 йил учун 20%дан ошмаслиги керак ва кейинги вақт учун 10%дан кам бўлмаслиги керак. Интеллектуал бойликнинг улуши 1%дан ошмаслиги керак.

Шундай қилиб, банк капитали - кредит операцияларни амалга ошириш учун бир манба бўлиб, шу билан бир каторда жалб килинган маблағларни кайтаришда қафолат бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банклари жалб киладиган маблағлар таркиби турличадир:

- А) Мижозларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлари;
- Б) Бошқа банкларни шу банкдаги корреспондентлик ҳисоб варақларидаги маблағлари;
- В) Аҳоли депозитлари;
- Г) Аҳолига кимматли коғозлар сотишдан тушадиган маблағлар;
- Д) Лизинг операциялари учун сотиб олинган ва тупланган товар моддий бойликлар;

Банк депозитлари ичида энг куп қисмини - талаб килингунча депозитлар ташкил этади. Талаб килингунча депозит рақамларининг моҳияти, бу рақамдаги қолдиқни мижозлар ихтиёрий пайтда ҳеч қандай олдиндан

огохлантирмай кisman ёки ҳаммасини олиши шунингдек тулов учун утказиши мумкин, яъни талаб килинган пайтда миждозга банк дархол тулаб беради. Шунингдек, бу депозитни - жорий ракам ёки ҳисоб-китоб раками деб ҳам айтишади.

Депозит ракамларининг иккинчи гуруҳи ҳисобланувчи, но-трансакцион ракамларнинг турлари куп, аммо улар учун ягона ном йук. Шунинг учун биз бу ракамларни инвестицион ракамлар деб атаймиз. Уларни баъзи иктисодчилар «муддатли депозитлар», баъзилари «инвестицион депозитлар» дейди яна бошқалари эса «но-трансакцион депозитлар» деб атайдилар.

Муддатли депозитлар - маълум муддатда банкда сакланадиган пул маблағларидир. Бўларга, вексель, сертификат ҳисоби, аҳолининг муддатли ва мақсадли қуйиламалари, саклаш муддати тахминан белгиланмаган, аммо осон аниқланадиган ракамлар киради. Мисол қилиб, бюджет маблағлари ракамлари ёки капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси ракамларини айтишимиз мумкин.

Муддатли депозитлар - йирик депозиторлар учун мулжалланган. Бу ракам буйича юқори фоиз туланади, аммо талаб қилиниши билан дархол олинмайди. Муддатли депозитлар - бу банк томонидан маълум бир муддатга жалб қилинадиган депозитлардир. Муддатли депозитларда маблағ шартномада келтирилган муддатга банкка фойдаланишга топширилади, бу муддат тугаши билан унинг эгаси маблағини қайтариб олиши мумкин.

Жалб қилинган маблағлар ичида муддатли депозитлар асосий ролни эгаллайди. Жамгарма депозитлар - одатда кичик депозитлар учун ишлатилади. Бу ракамлар буйича фоиз кам туланади ва депозит сураб олинниши мумкин.

Жамгарма депозитлар сакланиши турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- муддатли;
- ютуқли депозитлар;
- жорий ракамга қуйиладиган маблағлар
- пластик карточкалар;
- депозит сертификатлари (CD);

Жамгарма депозитлар банк учун афзал ҳисобланади. Чунки бу турдаги депозитлар асосан ўзоқ муддатли бўлади ва банк бу маблағларни ўзоқмуддатли депозитга ишлатиши мумкин. Бу ракам буйича миждозларга туланадиган фоиз ставкаси кам бўлади.

Жамгарма депозитларнинг камчилиги шундаки - бу ракамда турган маблағлар камайишига ҳар хил омиллар киради. Масалан, давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва психологик омиллар банкдан пулнинг чиқиб кетишига таъсир қилади. Шахсий ҳисобракамлари ичига кирадиган жамгарма ракамлари жалб қилинган маблағ каторида катта роль уйнайди.

Жамгарма депозитлар:

- аниқ муддатга қўйилмайди;
- бу счётадан пул олиш учун банкка ҳабар бериш шарт эмас;
- бу счётага пул қўйиш ёки олишда жамгарма китобчасини курсатиш керак. Бу китобчада ўзгартиришлар акс эттирилади.

Жамгарма депозитларини қабул қилиш деярли ҳамма тижорат банклар хизматида киради, махсуслашган тижорат банклар бундан мустасно бўлиши мумкин.

Жамгарма депозитлар куп банклар учун миждозларини молиялаштиришни асосий манбалари ҳисобланади. Тушум ва рентабеллик маъносида ҳам жамгарма депозитлар энг самарали ҳисобланади.

Жамгарма ракамлари эгасига фоиз келтирадиган маблағлар сақланади ва учинчи шахсга ҳисоб-китоб қилиш учун ишлатилмайди. Жамгарма счёталарининг хусусияти шундаки, бўлар қатъий белгиланган муддатга эга эмас. Бундан ташқари, жамгарма депозитлар - бу пул депозитларидир, шу сабабли бўлар банк капиталини жалб қилинган турига киради. Умуман, улар ихтиёрий сўммаларда қабул қилинади. Жамгарма депозитлар бир қўйишда шаклланмайди, улар ҳар хил муддатларда турли сўммаларда ўз муддати давомида қўйилиб ёки олиниб турилиши мумкин.

Мижоз муддатли депозитларни ҳар доим ҳам эркин талаб қила олмайди. У маблағларни тулик ёки бир қисмини талаб қилса ҳам бу маблағлар муддатли мажбуриятларга боғлиқ Жамгарма депозитлар жамғариш ёки капитални

йиғиш учун хизмат килиши керак. Шундай килиб, жамгарма ракамларидан куйидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ эмас:

- тижорат фаолияти учун ёки тулов обороти учун, яъни чеклар утказмалар ёрдамида бошқариладиган пул сўммалари.

Жамгарма депозитлари аввалдан огохлантирилиб олиниши мумкин. Улар талаб килиб олинadиган ёки муддатли депозитлар каби расмийлаштирилиши керак эмас. Аммо, бу уларни мақсадлилиқ ва муддатлилиқ сифатини йук дегани эмас. Бу ҳолда миқоз огохлантирилиши муддатини келишиши лозим, бу эса уни мақсадига етишига кумаклашади. Бирок, миқоз таҳлил қилаётган мақсаднинг депозитни ишлатиш қолип қуйилаётган вақтда уни муддатга жойлаштирилади дегани эмас, яъни миқоз маблағини жойлаштираётганда қачон маблағ олиниши мумкинлигини аниқлаши мумкин бўлсин.

1.3. Банкларнинг ресурс бозорини ривожлантиришда банклараро кредит ресурс бозори ўрни.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бу реал мавжуд ресурслар доирасида иш юритишдир. Бу дегани тижорат банклари нафақат ўз ресурслари ва кредит қўйилмалари миқдори мос келишини таъминлаши, балки ўзининг ликвидлигини ҳам таъминлаши керак. Агар банк маблағларини қисқа муддатга жалб этиб ўзоқ муддатга кредит берадиган бўлса, у ҳолда банк ликвидлиги хавф остида қолади. Банк активлари таркибида кўп миқдорда риск даражаси юқори ссудаларнинг мавжудлиги банк ўз маблағларининг салмоғини оширишини талаб этади. Реал жалб қилинган ресурслар доирасида ишлаш тамойили - жалб қилинган депозитларга банк қизиқишининг ўсишига, давлат миқёсида бўш қолган кредит ресурслари учун соф рақобат ривожланишига олиб келади. Пассивлар учун кескин кураш банкларнинг ўз ресурсларини шакллантиришнинг самарали усулларини излашни талаб қилади. Иқтисодий мустақиллик банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларини мустақил бошқаришни, миқоз ва омонатчиларни эркин танлашни, солиқлар тўлагандан кейин қолган даромадга мустақил эғалик қилишни назарда тутди. Тижорат банкларининг кредит потенциали - бу жалб қилинган маблағларнинг кредит

ва банкнинг бошқа актив операцияларини амалга оширишнинг иқтисодий чегараси ҳисобланади. Иқтисодиётдаги бўш пул маблағларининг тижорат банклари томонидан жалб қилиниши улар иқтисодий фаолиятининг асосини ташкил этади. Банклар томонидан жалб қилинган маблағларнинг барчаси кредит учун ишлатилмаслиги мумкин. Кўп банкларда жалб қилинган маблағларнинг асосий қисми муддатсиз депозитлар зиммасига тўғри келади. Банк томонидан берилган кредитлар тўхтовсиз ҳаракатда бўлиб кредит мультипликациясини ташкил этади. Кредит мультипликацияси орқали муомаладаги пул оқими кўпаяди.

Тижорат банкларининг кредитлаш қудрати жалб қилинган маблағлар, яъни депозитларнинг умумий сўммаси билан мажбурий захира ҳамда тижорат банклари томонидан ўз ликвидлигини таъминлаш учун ажратмалар айирмасидан иборат бўлиши мумкин.

Ликвидлилик шартларини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг кредит қудратини жами маблағлар барқарорлиги жиҳатидан 3 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Бутунлай барқарор маблағлар;

- а. Банкларнинг ўз капиталари;
- б. Муддатли депозитлар;
- в. Бошқа банклардан олинган кредитлар.

2) Барқарор маблағлар;

3) Барқарор бўлмаган маблағлар;

Барқарор бўлмаган маблағлар деганда - банкларга вақти-вақти билан (даврий) келиб тушадиган маблағлар тушунилади.

Марказий банкдаги мажбурий резервлар фондига қўядиган маблағларнинг депонентлаш ҳисоб-китобига қўшилиши керак бўлган 29802 баланс ҳисобварағи бўйича маблағлар сўммаси аниқланаётганда 29802 ҳисобварағи пассив қолдиқда шу ҳисоб варақнинг алоҳида шахсий ҳисоб варақларидаги пассив қолдиқлар чегириб ташланиши керак:

-депозитлар, банклараро марказлаштирилган кредитларнинг қўшилган, тўланмаган фоизлари, шунингдек, акциядорларга тўланадиган дивидендлар.

-банк ходимларига тўланиши керак бўлган 29802 ҳисоб вараққа депонентланган қарз

-банклар фойдасидан, шунингдек, бюджетга бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан ажратмалар ҳамда тўловлар.

Тижорат банклари мажбурий резервлар фондида депонентлаши керак бўлган маблағлар қолдиқлари ҳажмини Марказий банк муассасаси бош банк жойлашган ерда тижорат банкининг, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган филиалларнинг йиғма баланси бўйича тартибга солади. Марказий банк фармойишини олган тижорат банкларининг мажбурий резервлар фондига ажратмалари минтақавий филиал жойлашган ер бўйича тартибга солинади. Тартибга солиш ҳар ойнинг 1-кунидаги баланс бўйича амалга қўйилган маблағлар сўммаларини қўйилиши керак бўлган маблағлар ҳисоб варақлардаги қолдиқларга ҳамда амалдаги резерв талаблари меъёрларига асосланиб амалга оширилади.

Кўрсатилган санада тижорат банки (минтақавий филиал) резервларга қўйилиши керак бўлган маблағлар ҳажми ҳисоб-китобини чиқаради, бунда мажбурий резервлар фонди ҳисоб варағига амалда қўйилган сўммани кўрсатиб, бу сўмманинг меъёрга етмаган қисми учун ёзилган тўлов топшириқномаси нусхасини, шунингдек, 23416 ва 29802 баланс ҳисобварақлари маълумотларини илова қилади. Бу ҳужжатлар ойнинг 1-куни учун банк балансини таққим этиш юзасидан белгиланган муддатда баланс билан бирга Марказий банкка топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб-китоб маълумотларини тегишли тижорат банки бўйича амалда резервга қўйилган маблағлар ҳажми билан солиштиради.

Тақдим этилган ҳужжатлар уларга мос келса, тижорат банки талабни бажарган ҳисобланади. Ҳужжатлар талабга жавоб бермаган тақдирда Марказий банк ҳисоб-китоб тақдим этилган кунини ҳисобга олмаганда, икки иш куни мобайнида тижорат банки билан бирга тегишли тарзда қайта ҳисоб-китоб қилади. Бундай ҳолларда Марказий банк ундан қўйилган сўмма камомadini тўлдириш учун топшириқнома олади ёки унга мажбурий резервлар фондига қўйилган маблағнинг ортиқча қисмини қайтариб беради.

Мажбурий резервлар фонди тижорат банкининг вакиллик ҳисоб варағидан пул ўтказиш йўли билан шакллантирилади. Мажбурий резервлар

ҳисобига даромад келтирувчи активларнинг хилма хил турлари ўтказилишига йўл қўйилмайди. Тижорат банкида мажбурий резервлар ҳисобига ўтказиш учун ликвид фондлар вақтинча етишмай турганда Марказий банк унга кредит бериши мумкин. Бундай кредит бериш шартлари кредит шартномасида белгилаб қўйилади.

Тижорат банкларининг умумий кредитлаш қудратига қуйидаги омиллар йиғиндиси объектив таъсир кўрсатади:

- Банкда йиғилган жами маблағларнинг умумий ҳажми;
- Кредитлаш қудрати манбаларининг тўзилиши ва барқарорлиги;
- Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захиралар даражаси;
- Тижорат банклари жорий ликвидлигини ушлаб туриш учун захирадан фойдаланишга йўл қўйилган ҳолларда ундан фойдаланиш тартиби;
- Банк мажбуриятларини тўзилиши ва умумий сўммаси ва бошқаларга боғлиқдир.

Қуйидаги ҳолларда кредитлаш қудратининг самарадорлигига эришиш мумкин:

- Ликвидлилиқ минимал даражаси таъминланса;
- Кредитлаш учун мавжуд барча маблағлардан фойдаланилса;
- Кредит ресурслардан максимал даражада юқори фойда олинса;

Банк активларига йўналтирилган кредит ресурслари барқарорлигини таъминлашда маблағлар, манбалари муҳим аҳамият касб этади. Кредит ресурслари ҳам анъанавий равишда ўз ва қарз ресурслар ҳисобидан ташкил топади. Қарз маблағлари асосий ўринни эгаллаб, иқтисодий белгисига қараб депозит, жамғарма омонатлари ва пул бозори маблағлари шаклида бўлиши мумкин.

Тижорат банкининг кредитлаш қудратини оширишда:

- банк мижозларининг сонини ошириш;
- банкнинг мавжуд мижозларининг маблағларини кўпайтириш; -
- банкнинг ташкилий тармоғини кенгайтириш;
- банк муассислари маблағларини бирор мақсадда бирлаштириш орқали кўпайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга замин яратиш мумкин.

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти - банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади. Тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил тўзадилар.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги «Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида» ги Низомига асосан банкнинг кредит сиёсатига қуйидагича таъриф берилади: Банкнинг кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабўл қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тўзиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Яхши ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредит рискинни бошқариш ва уни камайтиришга яхши имкон беради.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашдан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларининг бажарилишини, операциялар

бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари -кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

Кредитлаш сиёсати ва унинг самарадорлиги тўғри кредит нархлари белгиланган шароитида муваффақиятли бўлиши мумкин.

Кредит сиёсатини самарали олиб боришда банк ходимлари банк мижозларининг маблағларини кимларга фойдаланишга бериш мумкинлигини яққол билиши лозим.

Банк қандай кредитлар, қанча миқдорда, қандай шаклда, кимга, қайси шартлар билан берилишини ҳал қилиши зарур. Бизнеснинг шундай турлари борки, банк кредит бера туриб улар бўйича қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир фаолият риск билан боғлиқ эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим. Банкнинг кредит сиёсати унинг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ҳолатларнинг олдини олишга, бунинг учун депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбатнинг, банк мажбуриятлари билан капитали ўртасидаги ва бошқа кўрсаткичларнинг меъёрида бўлишини тақозо қилади. Оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларнинг сифатини оширади. Шунинг учун кредит сиёсатининг асосий мақсади бошқарув жараёни, фондларнинг етарлилиги, рискларни сифат даражаси бўйича туркумлари, кредит портфелининг баланси, мажбуриятларнинг таркибий қисмларини ажратиш каби элементларини ўз ичига олмоғи лозим. Энди биз банк сиёсатига тўхталадиган бўлсак, банк сиёсати - банкнинг депозит сиёсати, кредит сиёсати, фойиз сиёсати, валюта сиёсати, мижозларга касса-ҳисоб хизматини кўрсатиш сиёсати ва бошқа банк хизматларини кўрсатиш бўйича сиёсати, банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш сиёсати, кадрлар сиёсати мажмуасидан иборатдир. Шундай қилиб, банкларнинг фаолият сиёсати қуйидаги асосий элементлардан ташкил топган.

Кредит сиёсати банк умумий сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Буни биз қуйидаги схемадан кўришимиз мумкин.

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти - банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади. Тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил тўзадилар.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида» ги Низомига асосан банкнинг кредит сиёсатига қўйидагича таъриф берилади: Банкнинг кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тўзиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Яхши ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредит рискинни бошқариш ва уни камайтиришга яхши имкон беради.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашдан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларининг бажарилишини, операциялар

бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари -кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

- > Кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги, ким ва қандай ҳолатда уларни олиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисида батафсил маълумотлар;

- > Кредитнинг таъминланганлиги ва уни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;

- > Барча кредитлар сифатини белгиладиган меъёрлар баёни;

- > Энг юқори кредит имтиёзларини белгилаш ва кўрсатиш (яъни кредит сўммалари ва банк ялпи активларининг энг юқори нисбати);

- > Банк хизмат кўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки сектори;

- > Муаммоли кредитлар таркиби ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоллари кўрсатилади;

Қолган ҳужжатларда таъқиқланадиган ёки номақбул кредит турлари тавсифланади (тўловга қодирлиги шубҳали бўлган ёки ҳужжатлар тўлиқ рўйхатини таққим этмаган қарз олувчилар ва ҳоказолар).

Кредит сиёсати малакали тўзилиб, банк раҳбаридан тортиб операторгача барча даражаларда меъёрда амалга оширилса, бу банк раҳбариятига тўғри қарорлар чиқариш, ортиқча рисклардан холос бўлиш, банк кредитларини тўғри баҳолаш имконини беради. Шу билан бир вақтда кредит сиёсати сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шартларни ҳисобга олган ҳолда анча юмшоқ бўлиши даркор.

Хар қандай тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда қуйидагилардан иборат бўлади: кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсишини, риск юқори бўлган операцияларнинг оқилона диверсифика-қиясини, ўрта ва ўзоқ муддатли кредит қўйилмалари ҳажмини кескин кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, кредит сиёсат инвестицион кредитлар салмоғини ошириш, устун даражада иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини

молиявий қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олган бўлиши лозим.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос «кредит тили»ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида берилган банк умумий кредитлаш фаолиятининг банк умумий кредитлаш фаолиятининг ривожланиши ва кредитларнинг самарали ишлатилиши учун замин яратади. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими - барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаровонлигини оширади.

Масалан, аниқ бир тижорат банкнинг кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагиларни белгилаб олинганлигини кўришимиз мумкин:

- кредит рискларини даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;
- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволини аниқлаш кредит рискинни башорат қилиш;
- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;
- кредит қўйилмаларни диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилилигини таъминлаш;
- кредит олган мижоз билан доимий алоқада бўлиб туриш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларни молиявий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Банк томонидан, хўжалик субъектларининг айланма маблағлари етишмаслиги, мавжуд маблағларнинг меъёрдан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилиниши, маблағларнинг тайёр маҳсулот сифатида

қотириб қўйиш сабабларини ўрганиб бориш, зарарга ишлаётган ва банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Кредит сиёсати банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳалари бўйича: тижорат фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмаларни молиялаш ва бошқа тармоқларга кредит бериш, кредит турлари бўйича: "кредит линияларини очиб ва очмай" кредитлаш ёки кредитлашнинг бошқа усулларини қўллашни белгилаб бериши мумкин.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари лозим. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича «тўловсизлик» тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиниши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкнинг кредит сиёсати йўналишлари қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- банк ўрни ва обрўсини молиявий-барқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлилигини таъминлаш;
- банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган

ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар районларида янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Кредитлаш жараёнида банк сиёсати банк олдидаги мажбуриятларни бажара оладиган мавжуд ва янги мижозларни кредит ресурслари билан таъминлаш, синф даражасидаги кредитларни тақсим этишни кенгайтириш ҳисобланади. Тижорат банки фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар миқёсида мижозларга сифатли кредит хизматини тақсим этишга интилади. Шунинг учун банк-кредит сиёсатининг асосий тамойилларига қуйидагилар киритилган:

- > кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишнинг барча даражалар бўйича жавобгарликни тақсимлаш;

- > банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун аниқ белгиланган шартларнинг мавжудлиги;

- > махсус кредитлаш тамойиллари - муддатлилик, тўловлилик, қайтариб беришлилик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни мажбурий назорат қилиш;

- > банк бошқарувининг умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пасивларни бошқариш бўйича ва ҳоказо) нинг ўзвий боғлиқлигидир.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини тўзишда ҳар бир тижорат банки мустақил бўлиб, улар кредит сиёсатининг моҳияти, мақсади ва таркибини такомиллаштириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлигини таъминлаш учун авваламбор, банкларнинг кредит сиёсатини тўғри ишлаб чиқишга эътибор бериш зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялар туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатни оқилона танлаш ва ўтказишни тақозо қилади.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини, ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит рискларни камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегия ва тактикасидир. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва олиб бориши мумкин.

Одатда ссуда операциялари банк фойдасининг асосий кисмини ташкил қилади. Шунининг инобатга олган ҳолда банклар ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишда ва олиб боришда ссуда операцияларидан келадиган даромад ва уларнинг самарали олиб борилишига катта эътибор беришлари лозим. Банкнинг кредит операцияларини олиб бориш ва уларнинг самарадорлиги учун жавоб бериш банкнинг директорлар кенгаши зиммасига юклатилади. Директорлар кенгаши кредитларни бериш билан боғлиқ вазифаларни бошқарувнинг қуйи табақаларига юклайди. Кредит сиёсати ҳайъати кредитни қайси соҳаларга бериш, кредит беришнинг умумий тамойиллари, уни беришдаги чекланишлар ва бошқаларни ишлаб чиқади ҳамда шуларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориши лозим.

Хорижий давлатларнинг йирик банкларида ёзма равишда банкнинг кредит сиёсати тўғрисида меморандум ишлаб чиқилади ва барча банк ходимлари ўз фаолиятини шу меморандум асосида олиб боришлари зарур. Меморандумнинг таркиби ҳар бир банкнинг фаолият хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил бўлсада, у банк фаолиятининг асосий йўналишларини қай тариқада олиб боришни ўз ичига олади. Меморандумда олиб бориладиган сиёсатнинг асосан, яъни кўпроқ ишончли ва фойда келтирувчи кредитлар

бериш, кредитлар беришда мавжуд кредит ресурсларни ҳисобга олиш, бериладиган кредитларнинг рисклилиқ даражасини ҳисобга олиш, кредит беришнинг охириги чегарасини белгилаб бериш ва бошқалар кўрсатилади.

Ҳужжатда қайси кредитларни бериш банк учун фойдали ва қайси кредитларни беришдан банк сақланиши лозимлиги, банк ходимларига кредитлар бериш, кредитларнинг сифатини назорат қилиш шакллари ва бошқалар кўрсатилади.

Бунинг учун қуйидагилар аниқланади:

- банк учун масъул бўлган кредитлар турлари;
- қандай кредитлар, беришдан банк ўзини тутиши;
- кўнгилдагидай бўлган қарзларнинг таркиби;
- кўнгилсиз қарзларнинг таркиби;
- банкнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти доираси;
- банкнинг ўз ходимларига кредит бериш доирасидаги сиёсати;
- қарздорлиқнинг ҳар хил даражаларига кўра кредитларнинг ҳажмини қисқартириш;

Йирик бир америка банкларининг меморандуми схемаси 5 бўлимни, яъни умумий қоидалар, кредитлар категорияси, кредит сиёсатининг ҳар хил масалалари, кредит портфели сифати устидан назорат ҳамда банк қўмиталарини ўз ичига олади.

Кредит сиёсати бўйича меморандум умумий тавсия ва йўлланмаларини ўз ичига олади ва у банк ходимларининг амалий ишбилармонлигини чеклаб қўймаслиқни таъминлайди.

Ҳозирги кунда тижорат банклари мустақил равишда ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқадилар. Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи банклар фаолиятида бу сиёсатни ишлаб чиқишда маълум камчиликларни кўриш мумкин. Биринчидан, кредит сиёсатини ишлаб чиқишда кўпроқ бош банклар актив роль ўйнаб улар ҳар доим ҳам банкнинг қуйи бўғинларининг кредит ишларини инобатга олмайдиган ҳолатларини учратиш мумкин.

Иккинчидан, банк салмоғи катта-кичиклигидан қатъий назар ҳар бир банк ходими банкнинг кредит сиёсатининг ҳеч бўлмаганда мақсади, умумий

йўналишлари билан таниш бўлиши, уларнинг бажарилиши бўйича фаолият олиб бориш лозим.

Кўпгина тижорат банкларининг кредит сиёсатида асосий эътибор кредитлар бериши бўйича эркинлик, кредит турлари, кредитларни тўлаш, фоиз ставкалари, кредит бўйича гаров қиймати ва унинг баҳоси, мижоз тўғрисида молиявий ахборот, ўз вақтида тўланмаган ва муддати кечиктирилган кредитлар, банк кенгаши ва бошқарувчига бериладиган ҳисоботлар, кредитларнинг концентрацияси, алоқадор шахсларнинг ишлаш тамойиллари, рискни баҳолаш, кредит портфелини аудит қилиш каби йўналишларни ўз ичига олиши кўзда тутилган бўлсада, уларнинг моҳиятини очиб беришда баъзи бир ноаниқликлар мавжуд эди.

Масалан, кредитларни концентрация қилиш тўғрисидаги йўналишида кредитларнинг тури, ҳудудий жойланиши ва бошқа белгилари бўйича концентрация қилиш лозим дейилса, яна шундай кредитлар концентрацияси банкларини катта зарарларга қўйиши мумкинлиги таъкидланади. Ҳақиқат мижозларнинг молиявий аҳволини ифодаловчи кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни ифодаловчи кредитнинг баҳоси ва самарадорлигини кўрсатувчи йўналишлар келтирилмаган. Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда иш йўналишлар бўйича аниқ маълумот ва ҳужжатларга эга бўлиши ва кредит сиёсати сифатида режалаштиришлари, бизнинг фикримизча, банкларни катта рисклардан олдиндан ҳимоя қилиши мумкин. Ундан ташқари юқорида келтирилган кредитни концентратсиялаш бўлими ўрнига кредитларни диверсификациялаш ёки кредит портфелини бошқариш бўлими деб киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Банклар томонидан бериладиган кредитлар республикани иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, инфраструктурани такомиллаштиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтирувчи соҳаларга йўналтирилган бўлиши керак.

Тижорат банкининг кредит сиёсати, кредит бозорини таҳлил қилиш ва энг кичик кредит рискка эга бўлган бозорларни аниқлаш; маблағларни депозитга жалб қилиш; кредитлаш жараёнида юқори самарадорликка эришиш; банкнинг депозит ва кредит портфелини бошқаришни оптималлаштириш; муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш; банкнинг

ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора- тадбирлар тўғрисида" ги фармони тижорат банкларининг фаолиятини олиб боришда ва уларнинг кредит сиёсатини тўзишда тўла эркинлик ва мустақиллик берилишига йўл очиб берди. Эндиликда тижорат банклари ўзларининг мустақил кредит сиёсатини ишлаб чиқмоққалар. Чунки ҳамма банклар учун тўғри келадиган, ягона кредит сиёсати мавжуд эмас эди. Алоҳида олинган тижорат банки унинг фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи рискларни инобатга олган ҳолда минтақа, вилоят, тумандаги иқтисодий, сиёсий, соқиал ҳолатдан келиб чиқиб ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишлари керак. Банкнинг аниқ кредит сиёсатига эга эмаслиги банк рискларини оширади. Кредит сиёсатининг аниқ эмаслиги белгилаб қўйилган вазифаларининг тўлиқ бажарилишига ва ундан кутилган самарага эришишга тўсқинлик қилади.

Банкнинг кредит сиёсатини олиб бориш, кредит портфелининг самарали натижасини таъминлашни кўзда тутганлиги учун банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар ичида банклар хизмат кўрсатиш бозорининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳар бир банк ўзи танлаган бозор секторидаги асосий мижозларнинг қарз маблағига бўлган талабини ҳисобга олиши керак.

Банкнинг фоиз сиёсати кредит сиёсатининг асосий бўлими ҳисобланади. Бу сиёсат турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган қуйидаги 3 омилларни ўз ичига олади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялашгириш ставкаси;
- 2) кредит ресурслари (ўз ва жалб қилинган маблағлари) манбалари;
- 3) кредитлаш, қарздорлар турлари ва йўналишлари.

Жалб қилинган кредит ресурсларини бошқа тижорат банклари ҳамда марказлашгирилган фондларидан сотиб олиш сифатида фойдаланган ҳолда кредитлардан фойдаланиш учун фоизлар жалб қилинган ресурслар сўммаси

плюс банк (даромади) маржаси орқали аниқланади. Бу 3 дан 7% миқдоргача ошмаслиги керак.

Гаров таъминоти бўйича талаблар аниқ сифатли характеристикаларга мос бўлиши керак, яъни (сақлаш) ўзоқ муддат сақлашнинг мавжудлиги; нархларнинг нисбатан барқарорлиги; гаровга қўйиладиган мулк, мулкнинг бозор талабларига мос келиши, ликвидлилиги ва бошқалар.

Фавқулодда ҳолатлар юз берадиган бўлса, гаров эгаси гаров мулкини ўз ҳисобидан унинг тўлиқ қийматини суғурта қилиш керак.

Гаровга олинган мулк қиймати кредит сўммасига нисбатан 20% юқорироқ бўлиши даркор.

Тижорат банкларининг кредит тақдим этишдаги асосий вазифаси - омонатчиларнинг пуллари кимга ишониб топшириш мумкинлигини ҳал этишдан иборат. Бу фаолият ўта муҳим ва ўта таъсирчан жараён бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш сармоя тўзилмасидаги леверажни жиддий ошириш имконини беради. Банк кредитларни қачон, кимга ва қандай шартларда беришни аниқ белгилаб олиши шарт.

Банк фаолияти доимо турли рисклар билан боғлиқ. Шунинг учун кредитлар, депозитлар ва бошқа мажбуриятлар билан ўз маблағлари ўртасида мақбўл мувозанатни сақлаш банкнинг энг муҳим мақсадларидан биридир. Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфелини сифат жиҳатдан тартибга солиш қўламини, маблағ олиш имконияти, энг юқори риск даражаси, ссуда портфели манбалари ва муддатлари бўйича мутаносиблигини, банк мажбуриятлари ва активлари тўзилмасининг мослигини ҳисобга олиши керак. Кредит сиёсатининг асосий йўналишлари банк директорлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Банк мураккаб ва мунтазам ўзгариб турадиган иқтисодий шароитларда, аввал ҳеч қачон дуч келинмаган ёки тўлиқ ҳал этилмаган вазифа (масалан, риск концепциясини ишлаб чиқиш ва ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларни кўра билиш, кредитлар жамланиши ҳисобини юритиш ва иқтисодий шароитнинг қарздорлар даромадларига қанчалик таъсир кўрсатишини аниқлаш) кўндаланг турганида кредит сиёсатининг ўрни айниқса муҳимдир. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш фойда олиш ва самарали

иш юритиш ҳолати сақланган ҳолда, бозор эҳтиёжлари қондириладиган энг юқори риск даражасини аниқлашни тақозо этади.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос «Кредит тили» ни яратади. Бу сиёсат банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида яратилган кредит тили банк умумий кредит сиёсатининг ривожланиши учун замин яратади. Масъулиятли шахслар кредит сиёсати билан танишишлари ҳамда унга тўлиқ мувофиқ ишлашлари шарт. Кредитларни танлаб, тасдиқланганида ва ҳатто берилгандан кейин ҳам уларга қатъий риоя этиш зарур. Улар ташқи ва ички аудиторлар, мустақил кредитни таҳлил қилиш хизматлари, директорлар Кенгаши ва тартибга солиш органлари томонидан назорат этилади.

Кредит сиёсатидаги ҳар қандай четланиш тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, асосланиши ва истиснолар кўрсатилиши керак.

Шу тариқа, кредит сиёсатини қатъий ва батафсил ишлаб чиқиш ҳар қандай банк учун катта аҳамият касб этади ва у кредитлаш тадбирларини мазмунини аёнлаштиради. Бу тадбирларни амалга оширадиган ходимлар мажбуриятларни белгилаб беради. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими - барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаровонлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкининг кредит сиёсати банкнинг кредитлашни амалга оширишдаги мақсади ва стратегиясини, кредит бериш жараёнида банк ходимларининг ваколат даражаси ва масъулиятини, тижорат банки томонидан бериладиган кредитларнинг турлари ва тоифаси, банк кредити йўналтириладиган иқтисодиёт соҳаларини белгилаб олиш, кредитлаш усуллари, кредитлаш кўрсаткичлари, кредитларни қайтариб тўлаш шартлари ва қоидалари, кредитнинг муддати, қарздорликни ундириб олиш бўйича чоратадбирлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳисоботларига

қўйиладиган талаблар, миждознинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода қилувчи қарздорларнинг фаолиятига оид молиявий ахборотлар, гаров таъминотида қўйиладиган талаблар, кредит мониторингига қўйиладиган талаблар, фоиз ставкалари бўйича бажариладиган операциялар, кўзда тутилмаган ҳолатлар моддалари, кредит портфелини аудит қилиш бўйича талаблар банк Бошқаруви ва Кенгашига таққим қилинадиган ҳисоботлар бўйича талабларни ўзида ифода қилиши лозим.

II боб. Банкларнинг ресурс бозорини шакллантириш ва уларни ривожлантириш.

II.1. Банкларнинг ресурс бозори таркиби ва ривожланиш таҳлили.

Тижорат банкларининг кредитлаш имкониятига ликвидлилиқни таъминлаш учун ажратилиши мумкин бўлган резервни инобатга олмасдан, фақат мажбурий захиралар фондида ажратмалар таъсир қилади деб қарайдиган бўлсак, унинг салмоғини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Тижорат банки йиққан ресурсларининг қарийб 20 фоизини мажбурий захиралар фондига ўтказадиган бўлса, у 80 фоиз ресурсини ва яна унинг ликвидлигини таъминлаш учун резервларни ташкил қиладиган бўлса, у жалб қилган ресурсларидан 60-70 фоизини ўзининг актив операцияларини амалга ошириш учун йўналтириши мумкин.

Тижорат банки томонидан жалб қилинган ресурслардан мажбурий резервларга ўтказиладиган маблағларни янада кўпроқ қуйидаги тижорат банки бўлими мисолида кўриб чиқамиз.

Тижорат банки бўйича мажбурий захираларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар (1.03.2010 й). **II.1.1-жадвал**

Маблағлар таркиби	Баланс ҳисоб варағи	Маблағ қолдиғи	Мажбурий захира	Депонентлашган ириладиган
1. Талабқилиб олинадиган депозитлар	20200-20202, 20206,20296	381791	20	76358
2.Жамғарма депозитлар	20400-20402, 20406	0	20	0
3.Муддатли депозитлар	20600-20602, 20606	0	20	0
4.Бошқарув чеклари	21202	0	20	0
5.Мижозларнинг аккредитив бўйича депозитлари	22602	0	20	0
6.Ишонч ҳаражатлар ва импортга тратталарга аккредитив билан бирга депозитлари	22606	0	20	0
7.Республикага қарашли бюджет ташкилотларининг маблағлари	23404	107381	20	21476
8.Махсус фондлар	23416-17515	0	20	0
9.Маҳаллий бюджетдан молиялаштириш маблағлари	23424, 23426	0	20	0
10.Маҳаллий бюджет маблағлари	23430,23432	11108	20	2222
П.Ҳаракатсиз депозитлар (мажбуриятлар)	29842	5138	20	1028
12.Бошқа кредитлар	29846	0	20	0
13.Бошқа мажбуриятлар	29896	0	20	0
Жами мажбурий резервга ўтказиладиган маблағлар			101084	

Манба Наманган вилоят ОАТБ “Агробанк” бошқармаси ҳисоботлари мисолида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги I.3.1-жадвалда тижорат банклари томонидан жалб қилинган ресурслар, улар қайси манбадан жалб қилинишидан қатъий назар, улар бўйича мажбурий захиралар фондига 20 фоиз миқдорида маблағ ўтказиши лозимлиги кўрсатилган.

Тижорат банклари Республика Марказий банкка депозит қўядиган мажбурий резервлар меъёрини белгилаш муомаладаги пул массаси ҳажмини бошқаришнинг асосий иқтисодий усулларида бири ҳисобланади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Марказий банкда Тижорат банкларининг мажбурий резервлари фондини шакллантиришнинг қуйидаги тартиби белгиланади.

Марказий банкда депозитга қўйиладиган мажбурий резервлар фонди тижорат банкларининг йўқлаб олинadиган, муддатли омонатлар ҳамда депозитлар бўйича мажбуриятларига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади. Бунда жалб этилган маблағлар таркибида қуйидагилар ҳисобга олинмайди: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки берган кредит ресурслари, бошқа банклардан олинган кредитлар: Ўзбекистон Марказий банкининг аниқ мақсадли дастурларини амалга ошириш учун берган кредит ресурслар; Чет эл валютасидаги жорий ҳисоб варақларда турган маблағлар; Мажбуриятлар бўйича қўшилган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар. Тижорат банклари мажбурий резервлар фондига қўядиган маблағлар меъёрларини Марказий банк бошқаруви омонатлар ва депозитларни жалб этиш муддатларига қараб белгилайди.

II.2. Тижорат банклари ресурс бозорини шаклланиши таҳлили.

Тижорат банклари, бошқа хўжалик субъектлари каби ўзининг хўжалик ва тижорат фаолиятини таъминлаш учун маълум миқдорда пул маблағларига, яъни ресурсларига эга бўлишлари лозим. Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий талабларида банк ресурсларини ташкил этиш муаммоси банк фаолиятини бир маромда олиб бориш учун биринчи даражали

ҳисобланади. Буни шундай изоҳлаш мумкин, яъни иқтисодиётнинг бозор моделига ўтиши билан банк ишида давлат монополияси тугатилади, икки босқичли банк тизимини шаклланишида банк ресурслари характери ижобий томонга ўзгаради. Ундан ташқари, унинг актив операциялари объекти орқали аниқланадиган банк фаолиятининг кўлами, улар жойлаштирадиган ресурслар ҳажми, миқдори, жалб қилинган маблағлар сўммасига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолат ресурсларни жалб қилиш бўйича банклар ўртасида рақобатни келтириб чиқаради.

Банкнинг асосий вазифаларидан бири бўш пул маблағларини мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш ва уларни бошқа фойда келтирувчи оптимал активларга жойлаштиришдан иборат.

Банк ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган пассив операциялари орқали ташкил топади ва банк балансининг пассив қисмида юритилади. Банк ресурсларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Бўлар, банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардир. Жалб қилинган ресурсларни баъзи ҳолларда иккига бўлиб қаралади - бу жалб қилинган депозитлар, бошқа мажбуриятлар ва сотиб олинган ресурслардир. Бу ресурслар банкнинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади, яъни банк ресурслари даромад олиш мақсадида турли хил соҳаларга жойлаштирилади. Банкнинг пассив ва актив операциялари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли пассивларнинг таркиби ва характери кўп жиҳатдан банкларнинг актив операцияларини амалга оширишда ўз ифодасини топади. Шу билан бирга ресурслар характериға банкларнинг кредитлаш сиёсатининг ўзгариши ҳам таъсир қилади.

Банк ресурсларининг асосий қисмини банк мижозларининг маблағлари ташкил қилади. Банк бошқа капиталларни жалб қилиш учун ўз капиталининг етарли даражаси миқдорини кўрсатиш лозим.

Тижорат банки ўз мижозларининг бўш турган маблағларини қарзга олиш билан бир вақтнинг ўзида бу маблағларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мажбуриятини ҳам олади, шунинг учун банк барқарор ликвидликка эга бўлиши керак. Ишончлилик ва ликвидлилик тамойиллари тижорат банки мавжудлигининг зарур шартларидан бўлиб, улар аҳолининг

бўш турган пул маблағларининг банкка сари оқимини таъминлайди. Ундан ташқари банкнинг

аҳволи молиявий жиҳатдан кам самарали бўлган ҳолатда мижозлар ўз маблағларини қайтариб олишларига ишонч ҳосил қилишларига замин яратади.

Ресурслар ёрдамида банкларнинг ташкилий фаолияти амалга оширилади, кредитлар бериш салоҳияти тўловлар амалга оширилади, банкларнинг даромадлари вужудга келтирилади. Банк ресурсларининг шаклланиши ва айланиши ўзлуксиз жараёни ташкил қилади ва бу эса ўз навбатида банклар фаолиятини доимийлигига асос ҳисобланади.

Алоҳида тижорат банклари учун банк ресурслари таркибий тўзилиши турли хиллик билан фарқланади. Бу унинг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтирилади. Иккита тижорат банки ресурсларининг таркибий тўзилиши қуйидаги маълумотлар билан характерланади.

Банк ресурслари таркиби

1-жадвал.

Кўрсаткичлар	Банк №1	Банк №2
1. Ўз маблағлари-жами, жумладан	17.4	7.2
1.1. Устав фонди	3.9	1.3
1.2. Бошқа фондлар	9.4	3.2
1.3. Жорий йилдаги таксимланмаган фойда	4.1	2.7
2. Жалб килинган маблағлар - жами, жумладан	82.6	92.8
2.1. Муддатли депозитлар	76.9	70.1
2.2. Муддатсиз депозитлар	4.3	4.3
2.3. Аҳоли қуйилмалари	0.3	0.4
2.4. Сертификатлар, векселлар	1.1	-
2.5. Банклараро кредитлар	-	18.0

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, алоҳида тижорат банкларнинг ресурслари структураси сезиларли фарқ қилади. Бу аввалам бор, тижорат банкларининг ўз маблағларига таалукли бўлиб, таҳлил қилинаётган банкларда уларнинг миқдори турличадир. Биринчи банкнинг ўз маблағлари иккинчи банкниқидан икки марта ортиқ. Биринчи банкда устав фонди 3.9%ни, ўз маблағлари сўммасининг 22.3 % ни ташкил этган. Иккинчи

банкда устав фонди 1.3 % ни, яъни ўз маблағлар сўммасининг 18 % ни ташкил этган.

Жалб килинган ресурслар биринчи банкда 82.6 % ни , иккинчи банкда 92.8 % ни ташкил этган. Бунда иккинчи банк банклараро кредитдан кенг фойдаланган ва у 18.0 % ни ташкил этган. Биринчи банк эса аксарият ҳолларда мижозларининг ресурслари билан ишлаган.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларининг ресурсларини ташкил килиш жараёнига катта аҳамият берилади. Шу сабаб ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган деярли барча мамлакатларда тижорат банклари ресурсларини шакллантириш тизимида тубдан ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришларнинг бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди. Бўлар:

- банклараро кредит бозорида Марказий банкнинг фаол иштирок этишининг таъминланиши ва бу, ўз навбатида, кредит рискинни камайтирганлиги;

- иқтисодиётда тўловсизлик муаммосининг мавжудлиги ва кредит қайтарилмаслиги оқибатида тижорат банкларининг зарар кўриш имкониятининг ошиши;

- аҳоли қўлидаги омонатларининг ўсиши;

- корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалардир

Банкларда мавжуд бўлган маблағлардан фойдаланиш имкониятига қараб банк ресурслари ўз ресурсларига ва қарз (сотиб олинган) ресурсларга бўлинади. Бу ҳолда банклар ресурсларига банк капиталидан ташқари маълум вақт давомида банк ихтиёрида бўлган жалб килинган депозитларни, бошқа банкларнинг депозитидан ва вакиллик ҳисобрақамидан қолдиқларни, форвард валюта курси ва клиринг бўйича қолдиқларни ва бошқа депозитлар ва қолдиқларни ҳам киритиш мумкин.

Ундан ташқари, банкнинг ихтиёрида мавжуд бўлган ресурслар унинг амалга оширилиши мўлжалланаётган актив операциялар учун етарли бўлмаса, зарур миқдордаги маблағларни Марказий банкдан нобюджет фондлардан пул бозоридан сотиб олиш ёки қарзга олиш мумкин.

Шундай қилиб, банкнинг ўз маблағлари ва қарзга олинган ёки сотиб олинган маблағлари йигиндиси тижорат банкларнинг ресурс базасини ташкил қилади.

Халқаро банк амалиётида банкларнинг ресурс базасини шакллантирувчи асосий манбаларга ўз капиталидан ташқари қуйидагилар киради:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобварақаларидан қолдиқлари;
- банк томонидан юридик шахслар учун муомалага чиқарилган векселлар ва депозит сертификатлар;
- олинган банклараро кредитлар;
- банк вакил томонидан очилган «лоро» депозит ва валюта ҳисоб варақасидаги маблағлар ва бошқа манбалар.

Биз тижорат банки бўлимининг кўрсаткичларини ифодаловчи қуйидаги жадвал маълумотларидан банкнинг ресурс базасини ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг таркибини аниқроқ кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Тижорат банкининг ресурс базаси ва ундан фойдаланиш тўғрисида маълумот.⁸

	Кўрсаткичлар	Минг сўм	%
	Банкнинг ресурс базаси. Банкнинг ўз маблағлари		
	Банк капитали - жами (30000 қ 29830 х/в)	226209	33.1
	Шу жумладан:		
	Акциядорлик капитал (30300қ29830 х.в)	82739	12.0
	Қушимча капитал (30600 х.в)	0	0
	Резерв капитал (30900 х.в)	40254	6.0
	Таксимланмаган фойда (31200 х.в)	103216	15.1
	Воситалар кийматини баҳолашда юзага келувчи ортиқчалик (31500 х.в)	0	0
	Жалб қилинган депозитлар – жами	170989	25.1
	шу жумладан;		
	талаб қилингунга қадар (20200 х.в)	109794	16.1
	Жамғарма (20400 х.в)	10957	1.6
	Муддатли (20500 х.в)	17159	2.5
	Мижозларнинг бошқа депозитлари (22600 х.в)	1614	0.3
	Бошқа банкларнинг депозитлари ва вакилликлик счётидаги қолдиқ (21000 х.в)	0	
	Чиқарилган қимматли қоғозлар (23600 х.в)	0	
	Форвард - валюта курси (22800 х.в)	0	
	Бошқа мажбуриятлар (29800 х.в - 29830 х.в)	1259	0.2
	Клиринг трансакциялари (23200 - 23204, 23208, 23210,		

	23212, 23218, 23220 ҳ.в.лар)	0	
	Бошқа пассивлар (22200қ 23220 ҳ.в)	30206	4.4
	Банкнинг жами ўз ихтиёрида бўлган ресурс базаси (1+2+3+4+5+6+7+8+9) қаторлар	397198	58.2
	Сотиб олинган ресурслар - жами: (21600+21800+22000 ҳ.в) ш.ж.	285674	41.8
	Марказий банкдан (21602, 21802, 22002 ҳ.в)	187333	27.4
	Молия вазирлигидан (21610, 22010 ҳ.в)	57911	8.5
	Банклараро пул бозоридан (21606, 21806 ҳ.в)	0	
	Нобюджет фондлардан (21605, 21805, 22005 ҳ.в)		
	Ҳукумат ҳисоб варақлари (23400 ҳ.в)	0	
12.	Банкнинг жами ресурс базаси (10қ11қ12) қаторлар.	40430	5.9
1.5.		682872	100

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатдики, тижорат банки ресурс базасининг 33.1 % банкнинг ўз маблағлари, яъни банк капитал ва тақсимланмаган фойдасига тўғри келади. Банк ихтиёрида бўлган ресурсларнинг 25.1 % жалб қилинган депозитларга тўғри келади. Шундай қилиб, банк ихтиёрида бўлган ўзи йикқан ресурслар жами - 58.2 5 ни ташкил қилади. Банк томонидан сотиб олинган ресурслар эса 41.8 % ни ташкил қилади. Ундан 27.4 % марказий банкдан олинган кредит ресурсларини, 8.5 % молия вазирлигидан олинган ресурсларни, 5.9 % Ҳукумат ҳисобварағида бўлган ресурсларни ташкил қилади. Банк томонидан ташкил қилинган ресурс база турли хил кредитлар ва инвестицияларни ва бошқа актив операцияларни амалга ошириш учун йуналтирилиши мумкин. Бунини қуйидаги жадвал материалларидан кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Банк ресурсларининг ишлатилиши

	II Банк ресурсларнинг йуналиши:		
	Ҳазнадаги маблағлар ва қимматбаҳо металллар (10100 қ 10900 ҳ.в)		
	Марказий банкдаги мажбурий резерв захиралар (10309 ҳ.в)	88491	
	Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар ва депозитлар (10500 ҳ.в)	0	
	Сотиб олинган қимматли қоғозлар (10700, 11300 ҳ.в)		
	Факторинг операциялар (11100 ҳ.в)	0	
	Банклараро кредитлар (12100+13300 ҳ.в)	0	
	Ҳукуматга ажратилган кредитлар (12300 ҳ.в)	0	
	Соф кредит қўйилмалар (12500, 12600, 12700, 12900, 13100, 13700, 13800, 13900, 14000, 14300, 14900, 15100, 15300, 15500, 15700 ҳ.в)	0	
	Соф инвестициялар (15900 ҳ.в)		
	Банк мулки (16500, 17700, 19921, 19923 ҳ.в)		
	Форвардлар ва валютавий ҳолат (16900, 17100 ҳ.в)	42915	
	Транзит ҳисоб варақлари (17300 ҳ.в)	0	
	Ҳукумат ҳисоб варақлари (17500 ҳ.в)	43876	

Бошқаактивлар (19900+16100+16300-19921, 19923 ҳ.в)	0	
Жами қуйилмалар (1+2+3+4+5+6+7+8+9+10+11+12+13+14)	0	
Ортиқча буш ресурслар (1-бўлим 13 қ - II-бўлим 15 қ)	0	
Вакиллик ҳисобварагидаги қолдиқлар (10301 ҳ.в)	121300	

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, тижорат банки ресурсларининг бир қисми банкнинг ғазнадаги маблағлари ва бошқа операцияларни амалга оширишга йўналтирилса, маблағларнинг асосий қисми кредитлар бериш учун сарфланади, яъни ресурслар ҳисобидан берилган соф кредитлар салмоғи маблағлар сарфида 62.9 % ни ташкил қилади. Маблағнинг 17.8 % бошқа активларга йўналтирилган. Ҳамда ундан ташқари, 54.0 минг сўм микдорида ортиқча ресурслар мавжуд. Вакиллик ҳисоб варақасидаги буш маблағлар 758 минг сўмни ташкил қилади.

Банкнинг ўз маблағлари унинг фаолиятининг асосини ташкил қилади, чунки улар жалб қилаётган депозитлар, яъни реал кредит ресурслари ҳажмини пировард натижада актив амалиётлар ҳажмини белгилаб беради. Банкнинг ўз маблағлари тижорат банкларининг фаолиятини бошқарувчи ва улар устидан назоратни амалга оширувчи Марказий банк учун муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Банкнинг ўз маблағларига устав фонд (капитал) резерв фонди ва банк фойдаси ҳисобига ташкил топадиган банк фондлари, ҳамда йил давомида тақсимланмаган фойда киради. Амалиётда банк пасивларининг 20 фоизи банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади. Банкнинг ўз маблағлари ичида асосий ўринни устав капитали эгаллайди.

Банкнинг устав капитали - бу банк ишини ташкил қилишнинг асосий таянч нуқтаси ҳисобланади.

Марказий банкнинг меъёрий талабларига мувофиқ банк капитали асосий (биринчи даража капитал) ва қўшимча (иккинчи даража) капиталидан иборат. Биринчи даража капитал ҳисоб-китоб қилинган капитал йиғиндисининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Тартибга солиш функциясини асосан, биринчи даража капитал бажаради, чунки у доимийроқ ҳисобланади.

Банк капитали унинг фаолият юритиш чегараларини белгилаб беради, инвесторлар ҳамда акциядорлар ва қолаверса, банкнинг ўзи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий барқарорлик даражасини кўрсатиб беради.

Банкнинг ташкил топиш шаклига қараб, устав капиталининг шакллантирилиши турлича бўлади. Агар банк Акционерлик жамияти кўринишида шаклланаётган бўлса, устав фонди акцияларининг номинал қиймати кўринишида ташкил топади. Бунда акциялар очик обуна қилиш йўли билан ёки таъсисчиларнинг устав фондидаги улушларига қараб тарқатилиши мумкин.

Агар банк маъсулияти чекланган жамият кўринишида тўзилган бўлса, устав фонди улушларга бўлинган ҳолда бўлади. Уларнинг ҳажми таъсис ҳужжатлари билан аниқланади. Бунда банк иштирокчилари ўзларининг улушлари меъёри чегарасида мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар.

Банкнинг ташкилий - ҳуқуқий шаклига қарамай, унинг устав фонди ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг тўловлари орқали шаклланади ва таъсисчиларнинг мажбуриятларини бажариш учун хизмат қилади. Устав фонди фақат банк иштирокчиларининг хусусий маблағлари ҳисобига ташкил топиши мумкин. Жалб қилинган кредит, гаровга олинган, бошқа йўллар билан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан устав фондини шакллантиришга йўл қўйилмайди. Банкнинг устав фонди фақат пул маблағлари ва моддий активлар ҳисобига ташкил топиши мумкин.

Республика бюджети маблағлари, давлат нобюджет фондлари маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув ва маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги бўш пул маблағлари ва бошқа объектлар банкларнинг устав капитали шаклланишида қатнашмайди. Қонунда кўрсатилган ҳолатларда банк устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш мумкин.

Агар акциядорлар устав капиталини шакллантиришда қарз маблағидан фойдаланса, устав фондига қўшилган маблағ акциядорга қайтариб берилади ва акциялар келгусида сотиш учун банкка қайтарилади.

Ташкил этилаётган банк капиталини энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади. Марказий банк фаолият шартлари, бизнес-режада кўрсатилган операциялар тури ва ҳажмига қараб, банк устав капитали миқдорига қўшимча талаблар қўйиш мумкин. Устав фондининг минимал миқдори банкнинг барқарор фаолиятини таъминлаш учун ўрнатилади.

Ташкил этилаётган банк капиталининг етарлилик даражасини белгилашда қуйидаги асосий талабларга риоя қилинади.

- Марказий банк белгилаган устав капиталининг энг кам миқдори юзасидан талабларга мувофиқлиги;
- Кўзда тутилаётган ўсишни қўллаб - қувватлаш даражаси;
- Кўзда тутилаётган даромадлар ва асосий фоизлар даражаси;
- Муассисларнинг зарур ҳолларда қўшимча капиталлар кирита олиш қобилияти ва бошқалар.

Фаолият кўрсатаётган банклар устав капиталига талаблар иқтисодий аҳвол ва банкнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб марказий банк томонидан белгиланади.

Банк устав капитали миқдорини ўзгариши ва ўзгаришни рўйхатга олиш тартиби Марказий банк томонидан тартибга солинади.

Банкларни устав капиталининг минимал миқдорини белгиланиши банкларни ҳар хил рисклардан сақлаш мақсадида белгиланади. Чунки банк устав фонди қанча катта бўлса, унинг ресурслари ҳам кўп бўлади.

Банк амалиётида ўз капиталнинг нетто ва брутто турлари фарқланади. Банкнинг ўз капитали - брутто - банкнинг барча фондлари ва баланс бўйича тақсимланмаган фойдаси йиғиндисига тенг. Банкнинг ўз капитали - нетто - бу капитал бруттодан ўз маблағларидан капитал харажатларнинг ошган қисмини, йўл қўйилган ва потенциал зарарлар, сотиб олинган хусусий акциялар ва муддати 30 кундан ортиқ бўлган дебитор қарзларни чегириб ташлангандан қолган сўммага тенг. Шундай қилиб, капитал - нетто наққ мавжуд бўлган банк ўз капиталини ўзида акс эттиради.

Тижорат банкнинг ўз капитали миқдори кўпгина омилларга боғлиқ бўлади. Бу омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисидаги қонунга мувофиқ, банкнинг ўз капитали ҳажми унинг актив операцияларини чегаравий ҳажмини белгилаб беради. Шунинг учун маълум миқдор миждозларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган банк (мисол учун, тармоқ банки) белгиланган нормативларга риоя қилган ҳолда, ўзлик капиталининг шундай миқдорига эгаллик қилишлари керакки, ўз доимий миждозларининг асосланган қарз маблағларига бўлган талабларини қондиришлари лозим.

Иккинчидан, банк учун зарур бўлган ўзлик капиталининг миқдорининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Майда, лекин сон жиҳатдан кўпчиликни йирик кредит олувчи корхоналарни ташкил қилувчи банкда ўз маблағлари нисбатан кўп миқдорда керак бўлади. Чунки йирик миждозларга хизмат қилувчи банкларда кредитнинг қайтарилмаслик rischi катта бўлади.

Учинчидан, тижорат банкининг ўз капитали миқдори, унинг актив операциялари характериға боғлиқ бўлади. Банк олиб бораётган операциялари катта riskлар билан боғлиқ бўлиши, ўз маблағларининг нисбатан кўп бўлишини тақозо этади. Бу ҳол, хусусан, инновацион банкларға тегишлидир. Агар банкнинг кредит портфелида минимум riskли ссудалар кўпчиликни ташкил қилса, банкнинг маблағлари нисбатан кам бўлиши мумкин.

Банкнинг актив операциялари характериға қараб, банк капитали ва унинг турли даражадаги riskли активлари ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўрнатган нормативлари банкнинг ўз капитали миқдорини аниқлашға бир қанча йўналишлар белгилаб беради.

Банк капитали ҳажмини аниқлаётганда банклар бу маблағлар олинадиган фойда миқдорини аниқланмаслигини ҳам эътиборға олишади. Бу фақатгина, банкнинг аниқ миждозлар доирасиға хизмат кўрсатиш имконини очиб беради.

Тўртинчидан, банкнинг зарурий хусусий капитал миқдори кредит ресурслари бозорининг ривожланганлик даражасиға ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олиб бораётган пул-кредит сиёсатиға боғлиқ. Ривожланган бозор шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эркинлаштирилган кредит сиёсатини олиб боришға йўл очиб бериши натижасида тижорат банкининг кредит ресурслариға талабини

қондириш осонлашади ва банкнинг зарурий ўз маблағлари даражаси камаяди. Етарли даражада молия бозорининг ривожланмаганлиги, кредит сиёсатининг қаттиқ қўллиги банкларнинг ўз маблағларини доимий тарзда оширишни талаб этади.

Банкларнинг ўз маблағлари миқдорини оширишда 2-усул ишлатилиши мумкин: қўшимча акциялар чиқариш ва уларни жойлаштириш ёки чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини ошириш. Биринчи усул билан фойдани жамғариш банкнинг резерв ва бошқа фондларини жадаллаштирилган тарзда шакллантириш ва уларни кейинчалик капиталга айлантириш шаклида рўй беради. Бунда йил охиригача фойданинг бир қисми тўғри капиталга айланиши ҳам мумкин. Бу усул анча арзон, янги пайчилар жалб қилиш ёки акция чиқариш борасидаги қўшимча ҳаражатларни талаб этмайди. Лекин фойдани жамғариш жорий йилда Акционерларга тўланадиган дивидендлар миқдорини камайишига олиб келади. Бу эса банкнинг бозорда тутган мавқеига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан банк устав капиталини ошириш қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

- молиявий йил якуни бўйича кўрилган фоизнинг бир қисмини ёки ҳаммасини акциялар номинал қийматини оширишга йўналтириш;
- акциядорлар томонидан акциялар номинал қиймати оширилган қисмининг тўланиши;
- молиявий йил якуни бўйича кўрилган банк фойдасини акциялар номинал қийматини оширишга йўналтириш ва акциядорлар томонидан акциялар оширилган номинал қийматининг етишмайдиган қисмининг тўланиши ҳисобидан амалга оширилади.

Банкнинг устав капитални акциялар номинал қийматини пасайтириш ёки акциялар умумий сонини қисқартириш, жумладан, кейинчалик уларни тўлаш шарти билан сотиб олиш орқали камайитирилиши мумкин. Банк ўз капитални тушунчасини кенг очиб бериш учун шуни айтиб ўтиш керакки, банк назариясида банк ўз маблағи ва ўз капитални тушунчалари фарқ қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган «Ўз маблағи» тушунчаси - кенг маъноли, у ўз

ичига банкнинг ички фаолияти жараёнида ташкил топган ҳамма пасивларни (банкнинг устав, резерв ва бошқа фондлари, банк ташкил қилгандаги ҳамма резервларни, тақсимланмаган фойда ва жорий йил фойдасини) олади. Банкнинг ўз капитали - бу ҳисоб-китоб йўли билан аниқланадиган катталиқ. У иқтисодий маъносига кўра банк капитали функцияларини бажарадиган ўзлик маблағларни ичига олади.

Банкнинг ўз капитали - банк вақтинча жалб қилган қарз маблағларидан фарқли ўлароқ, бевосита банкнинг ўзига тегишли бўлган маблағлардир. Банк капиталининг бошқа корхоналар капиталидан фарқи шундаки, банкнинг ўз капитали айланма маблағларининг 10 фоизини, корхоналарда эса у тахминан 40-50 ва ундан ортиқ фоизни ташкил қилади.

Банк капиталига банкнинг ўз маблағларининг асосий элементлари киради, яъни қонунчиликка мувофиқ ташкил топган асосий фондлар, банк фаолиятини таъминлаш мақсадида ички манбалар ҳисобига ташкил топган резервлар киради. Улар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак.

- банк фаолиятининг барқарорлиги;
- кредитор ҳуқуқлари бўйича субординацияланганлик;
- қайд қилиб ёзилган даромадларнинг йўқлиги.

Банкнинг ўз капитали деганда, банкнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга қаратилган махсус ташкил қилинадиган фонд ва резервларни тушунишимиз керак. Банк капиталига устав капитали, резерв капитали, таъсис фойдаси, банк ихтиёрида қолдирилган ўтган ва жорий йилда тақсимланмаган фойдаси, турли рискларни қоплаш учун ташкил қилинган резервлар киради ва у банк фаолиятида муҳим функцияларни бажаради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, банк капитали I ва II даражали капиталдан иборат бўлиб,

I даражали капитал қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар;
- б) нокумулятив имтиёзли акциялар. Бу акциялар муайян сотиб олиш санаси ва шартларига, эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниш

имкониятига эга эмас. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, улар бўйича дивидендлар тўланмаслиги мумкин.

в) қўшимча капитал - оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;

г) тақсимланмаган фойда;

1) капитал захиралар;

2) аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;

3) жорий йил зарарлари.

д) акция эгалари камчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобварақаларида ўсиши. Бу улуш шуъба корхоналари ҳисобварақалари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

II даражали капитал қуйидагилардан иборат:

а) жорий йилдаги соф фойда;

б) рискни ҳисобга олган ҳолда активлар сўммасининг 125 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдоридаги умумий захиралар. Нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар.

Бу акциялар муайян сотиб олиш санаси ва шартларига, эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниш имкониятига эга эмас. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, улар бўйича дивидендлар тўланмаслиги мумкин.

в) ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар.

г) субординар қарз бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охириги 5 йил давомида йилига 30 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарзлар гаров таъминотига эга бўлмаслиги, банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозитлар

талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши, бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши лозим.4-жадвал

Тижорат банки капитални ҳисоблаш усули(млн сўм)

№	Кўрсаткичлар	Капитал		
		Асосий 1-даража	Қўшимча II-даража	Жами Капитал
I	1-даражали капитал			
1.	Оддий акциялар	570		570
2.	Нокумулятив муддатсиз акциялар	198		198
3.	Капитал (ортиқча қисми)	0		0
4.	Тақсимланмаган фойда	31059		31059
5.	Соф 1-даражали капитал			31827
6	Жорий йилнинг фойдаси		20463	20463
	Умумий капитал сўммаси чегирмалар олингунга қадар		52290	52290
II	Рискка асосланган капиталнинг умумий сўммаси			52290
III	Рискни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий сўммаси			832036
	Биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси (III/УII)			0.06
	Умумий капиталнинг етарлилик даражаси (УII/УIII)			0.062

Резерв капитали - банкнинг умумий ва махсус мақсадлари учун (масалан, девальвация учун захира, траст операциялари бўйича бизнес учун захира, кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги зарарлар учун захира ва бошқа мақсадлар учун) яратган захирасининг ҳисоби 30903-30906 баланс ҳисобварақасида олиб борилади. Ушбу захира банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига ташкил этилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг соф фойда ҳисобига шаклланган захиралардир.

Ушбу захираларга ажратиладиган чегирмалар миқдори очиқ эълон қилинадиган ҳисоботда кўрсатилиши лозим. Заҳиранан банк фаолиятида вужудга келадиган турли зарарларни улар юзага келиши биланок ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилади. Бундан мазкур захиралар ҳисобига қопланадиган барча зарарлар фойда ва зарарлар ҳисобида акс эттирилади. 30903 - умумий захира фонди бўлиб, бу ҳисобварағи банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан умумий мақсадлар (масалан, банк фаолиятини кенгайтириш, банк учун зарурий

воситаларни сотиб олиш ва кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги зарарлар учун ва ҳоказо) учун ташкил этган заҳираси ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

30906-Девальвация учун захира бўлиб, бу ҳисобвараққа миллий валютанинг девальвацияси натижасида кўриши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган заҳиранинг ҳисоби юритилади. Ушбу захира маблағлари банкнинг тақсимланмаган фойдасининг маълум қисмидан ва валютадаги банк активининг устав капиталига тегишли эквивалентини қайта баҳолаш натижасида ҳисобланган маблағлардан ташкил топган.

Махсус заҳиралар-«Стандарт», «Субстандарт», «Шубҳали» ва «Умидсиз» деб таснифланган кредит ва лизинг операциялари ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун учун захира ташкил қилинади.

Тақсимланмаган фойда. Бу ҳисобварағи банкнинг бутун фаолияти давомида олган фойдасининг тақсимланмаган қисми ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Ўз ичига қуйидаги ҳисобрақамларни олади: йиллик, соф фойда; бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳоланганда қўшимча қиймат. 31206-йиллик соф фойда.

Бу ҳисобварағи ҳисобот йилида банк фаолиятининг молиявий натижалари бўйича йиллик фойда ёки зарарлари ҳисобини олиб бориш учун мўлжалланган. Ушбу ҳисобварағи банкнинг йиллик ҳисоботи топширилгандан сўнг ёпилади.

Агар банк молиявий ҳисобот якунларига кўра фойда билан чиқса, ушбу ҳисобрақам кредит қолдиқ билан ёпилади.

Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолангандан қўшимча қиймат ҳисобварағи инфляция натижасида банк асосий воситалари қиймати қайта баҳоланганда уларнинг бошланғич ва бозор қийматлар ўртасидаги ижобий фарқ, яъни бошланғич баҳосига нисбатан қўшимча қийматининг сўммаси акс эттирилади.

5 жадвал

Акционер тижорат банки капитали ўсишининг динамикаси

	Капитал	01.01 2009Й	01.01 2010Й	1.01 2009й.га нисбатан узиш	
		Минг сўм	Минг сўм	Минг сўм	%
	Акционер капитал	468201	737778	269577	58.0
	Резерв капитал	3594	43432	39838	1108.0
	Таксимланмаган фойда	16236	1286	-14950	-92.0
	Соф фойда	65789	100169	34380	52.0
	Жами:	553820	882666	328845	59.0

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, тижорат банкининг Акционер капитали ва резерв капитали ва жорий йилда ўтган йилга нисбатан сезиларли ошган. Банк фойдаси тақсимланиши натижасида тижорат банки таҳлил қилинаётган даврда ўтган йилга нисбатан 34380 минг сўм ёки 52.0 % соф фойдага эга бўлган.

Банк капиталининг урта асосий функцияларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бўлар: ҳимоя, оперативлик ва тартибга солиш функцияларидир.

Банк омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилиш банкнинг ўз капиталининг асосий функцияси бўлиб хизмат қилади. Чунки банк активларининг асосий қисми омонатчилар ҳисобига ташкил топади. Бундан ташқари банк капитали Акционерлар рискларини камайтиради.

Ҳимоя функцияси зарар кўриш хавфи туғилганда актив резервлар шакллантириш йўли орқали банкнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш, мабодо банк тугатилганда омонатчиларга компенсация тўлаш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг кейинги фаолият кўрсатишига кенг йул очиб беради. Лекин шуни эътиборга олишимиз керакки, тижорат банклари кўпгина корхоналардан фарқли ўлароқ ўзларининг тўловга қобилиятлигини жорий банк даромади ҳисобига таъминлайдилар ва фақатгина зарарнинг бир қисми капитал ҳисобига қопланади.

Капитал ўзига хос ҳимоя ёстиғи родини ўйнаб, йирик кўзда тутилмаган харажатлар шароитида банк ўз операцияларини давом эттириш имкониятини беради. Шу каби чиқимларни молиялаштириш учун банкнинг ўз капитали ичига кирувчи турли хил резерв фондлар мавжуд. Лекин мижозларнинг ссудаларни оммавий қайтарилмаслиги юз берганда, зарарни қоплаш учун Акционерлик капитали бир қисминигина ишлатиш

мақсадга мувофиқ бўлади. Банк ўз капиталининг мавжудлиги унинг ишончлиги ва ликвидлилигининг биринчи шартидир.

Банк ўз капиталининг ҳимоя функцияга қараганда оперативлик функцияси иккинчи даражали бўлиб ҳисобланади. У банкнинг ўз маблағларини ер, бино, иншоот жиҳозларни қоплаш учун молиявий резервларни шакллантиришга ажратишни ўз ичига олади. Бу молиявий ресурслар манбаи банк иши фаолиятининг биринчи босқичларида, таъсисчилар билан бир қаторда биринчи навбатдаги харажатларни амалга оширишларида жуда кераклидир. Банк ривожланишининг кейинги босқичларида банк капиталининг роли муҳим бўлиб, бу маблағларнинг бир қисми тўғри резервларни ташкил қилиш учун ўзоқ муддатли активларга сарфланади. Гарчи зарарни қоплашнинг асосий манбаи фойда жамғариш бўлса ҳам зарарни қоплаш учун янги акциялар чиқаришади ёки ўзоқ муддатли қарз олинади.

Банкнинг ўз капитали тартибга солувчи функцияни ҳам бажаради. Банк капитали кўрсаткичи ёрдамида давлат органлари банк фаолиятига баҳо берадилар ва назорат қиладилар. Одатда, банк ўз капиталига унинг минимал миқдори, активлар меъёри ва бошқа банк активини сотиб олиш шартлари бўйича талаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар, асосан, банкнинг ўз капитали ҳажмидан келиб чиқади. Тартибга солувчи функцияга капитални ссуда ва инвестицион операцияларни чегаралаш мақсадида ишлатиш ҳам киради.

Банкнинг устав фондини ўзгариши устав фонди миқдорининг оширилиши ва камайтирилиши шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Банк устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акцияларни номинал қийматини кўтариш йўли билан оширилиши мумкин.

Акцияларни номинал қийматини ошириш йўли билан банк устав фондини ошириш қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

- молиявий йил якуни бўйича кўрилган фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини акциялар номинал қийматини оширишга йўналтириш;
- акциядорлар томонидан акциялар номинал қийматини оширилган қисмини тўланиши.

Устав фондини ошириш учун қилинган ўзгартиришларни банк уставига киритиш тўғрисида таъсисчилар қарор қабул қиладилар.

Қўшимча акцияларни чиқариш ёки акциялар номинал қийматини ошириш учун тижорат банклари Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаментига қуйидагиларни топширади:

қўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акциялар номинал қийматини ошириш тўғрисида банк ваколатли органининг қарори;

агар акция очик обуна йўли билан тарқатилса, банк ваколатли органи томонидан тасдиқланган эмиссия проспекти;

акция ёпиқ ҳолда тақсимланса, акцияларни чиқариш тўғрисида ахборот берилади;

банк кенгаши раиси имзолаган устав капиталини ошириш ва акциялар эмиссиясига розилик бериш тўғрисида Марказий банк номига берилган илтимоснома. Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва розилик бериш бир ой муддат ичида амалга оширилади.

Банк устав капитални акциялар номинал қийматини пасайтириш ёки акциялар умумий сонини қисқартириш, жумладан, кейинчалик уларни тўлаш шарти билан сотиб олиш орқали камайтирилиши мумкин.

Агар банк уставида кўзда тутилган бўлса, акцияларни бир қисмини сотиб олиш ва уларни тўлаш йўли билан банк устав капиталини камайтиришга рухсат берилади.

Агар камайтириш натижасида устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса банк устав капитални миқдорини камайтиришга рухсат берилмайди.

Акцияларни номинал қиймати пасайтирилганда акция нархи ва янги номинал қиймат ўртасидаги фарқ акциядорларга қайтарилади.

Устав капиталини камайтириш учун тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаментига илтимоснома ва устав капиталини камайтириш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилишининг қарори топширилади. Розилик бир ой муддатда берилади.

Устав капиталининг камайтирилиши ёки ошириш омонатчилар манфаатларига ва банк молиявий аҳволига хавф солса ёки бир акциядор улуши белгиланган нормадан ошиб кетса, Марказий банк устав капиталини камайтиришга рухсат бермайди.

Акционер тижорат банкининг мижозлар бўйича Депозит шакллари тўғрисида маълумот.

-жадвал


Депозит турлари	минг сўм	фоиз
1. Талаб қилиб олингунча депозитлар, жами	105022	78.9
Шу жумладан: а) ҳукумат	16481	12,4
б) жисмоний шахслар	5352	4,0
в) давлат корхоналари	22025	16,5
г) қўшма корхоналар	111	0,1
д) хусусий корхоналар, корпорақия ва жамоалар	54692	41,1
е) бошқа талаб қилиб олингунча депозитлар	6361	4,8
2. Жамғарма депозитлари, жами	10957	8.2
Шу жумладан: а) ҳукумат	0	0
б) жисмоний шахслар	10957	8,2
в) давлат корхоналари	0	0
г) қўшма корхоналар	0	0
д) хусусий корхоналар, корпорақия ва жамоалар	0	0
е) бошқа талаб қилиб олингунча депозитлар	0	0
3. Муддатли депозитлар, жами	17159	12,9
Шу жумладан: а) ҳукумат	0	0
б) жисмоний шахслар	11659	8,8
в) давлат корхоналари	5500	4
г) қўшма корхоналар	0	0
д) хусусий корхоналар, корпорақия ва жамоалар	0	0
е) бошқа талаб қилиб олингунча депозитлар	0	0
Жами депозитлар	133138	100

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, тижорат банки томонидан жалб қилинган депозитлар ичида асосий ўринни талаб қилиб олингунгача бўлган депозитлар ташкил қилиб, улар салмоғига 78,9% депозитлар тўғри келади. Муддатли депозитлар банкнинг барқарор кредит имкониятини асоси бўлсада, уларнинг ҳажми барча депозитларнинг 12,9%ини ташкил қилади. Талаб қилиб олингунга қадар бўлган депозитлар таркибида асосий ўринни хусусий корхона, корпорақия ва жамоалар, давлат корхоналари, ҳукумат маблағлари ташкил қилса, муддатли депозитлар ичида асосий ўринни жисмоний шахслар маблағлари эгаллайди. Таҳлил қилинаётган банкда аҳоли жамғармалари салмоғи паст бўлиб, у жами депозитларнинг 8,2%ини ташкил қилади.

Тижорат банклари фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб, аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича ишлар ҳисобланмоқда, ва улар бу борадаги йирик банк Халқ банки билан бошқа тижорат банклари мувофақиятли рақобат қилмоқдалар.

II.3. Тижорат банклари ресурсларида банк мижозларини тутган ўрни ва уни бажарилиши таҳлили.

Республика Марказий банкининг банк тизимининг 2010 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан Вазирлар Мақкамасининг шу йил 21 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлар ва вазифалар ижросига бағишланган кенгайтирилган Бошқарув мажлиси бўлиб ўтди. 2010 йилда мамлакатимиз банк тизимини ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Натижада, тижорат банкларининг жами капитали 2009 йилга нисбатан 1,4 баробар ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 4,1 трлн. сўмни ташкил этди.




Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг www.cbu.uz сайти

Банкларнинг капиталлашувини ошириш бўйича олиб борилган ишлар республика банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичини

умумий кабул килинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқори бўлишини таъминлади.

Банк активлари 2009 йилга нисбатан 32,1 фоиз ўсиб, 20,7 трлн. сўмдан ошиб кетди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг www.cbu.uz сайти

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими катъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Буни 2010 йил августида «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истикболларини «барқарор» деб баҳолангани ҳамда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки фаолияти «Fitch ratings», «Moody's» ва «Standard & Poor's» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олганликлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Банкларнинг кредит ва инвестицион фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Хисобот йилида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайиб, бугунги кунда уларнинг миқдори 11,5 трлн. сўмдан ошиб кетди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг www.cbu.uz сайти

Банкларнинг умумий кредит портфелида ўзок муддатли яъни 3 йилдан ортиқ муддатга берилган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

2010 йилда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банклари балансига қабул қилинган 147 та иқтисодий ночор корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган корхоналардан 64 таси эса стратегик инвесторларга сотилди.

Ўтган давр давомида тижорат банклари томонидан ушбу корхоналарга киритилган 156 млрд. сўмлик инвестициялар ҳисобига жами 460 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, шундан 165 млн. АҚШ долл. маҳсулот экспорт қилинди ҳамда 21 мингдан ортиқ ишчи ўринлари яратилди.

Ўтган йили банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар миқдори 2009 йилга нисбатан 1,4 баробар ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 2 триллион 700 млн. сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 млрд. сўмдан ошиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг www.cbu.uz сайти


Мазкур кредитлар ҳисобига ҳудудларда 280 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш чоралари қўрилаётгани, қулай омонат турлари таклиф этилаётгани, уларнинг банклардаги жамғармалари қонун билан қафолатлангани ва ўз вақтида қайтарилаётгани омонатлар миқдорининг 2009 йилга нисбатан 52,6 фоиз ошиб, ҳозирги кунда 4,4 трлн. сўмга етишига пухта замин яратди. Бу фуқароларимизнинг банк тизимида бўлган юксак ишончидан далолат беради.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг www.cbu.uz сайти

Республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар натижасида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 7,9 миллион донадан ошиб кетди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони эса 85 минг 741 тага етди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг www.cbu.uz сайти

Шу билан бирга, мажлисда банклар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва мижозлар ишончини

янада ошириш борасида мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётган айрим тижорат банклари фаолияти танкид килинди.

Мажлисида тижорат банклари рағбарлари зиммаларига мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунларига бағишлаб, шу йил 21 январда ўтказилган мажлисида 2011 йил учун белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳамда банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг инвестицион фаолиятини кучайтириш, банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, аҳоли ва чет эллик инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётдаги ўзок муддатли кредит қўйилмалари улушини янада ошириш етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳолда банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар топширилди.

Шунингдек, мажлисида барча тижорат банклари рағбарлари зиммасига мамлакатимизда 2011 йилни - "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан бу борада қабул қилинадиган Давлат Дастурида белгиланган вазифаларни оғишмай бажарилишини таъминлаш, банкларнинг барча бўлим ва филиалларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳитни яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун ўзок муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар қўламини кенгайтириш борасидаги ишларни фаол давом эттириш вазифалари ҳам юқлатилди.

Банкнинг харажатларини режалаштириш асосан банкнинг миқозлари сонига умуман банкнинг умумий фаолиятига боғлиқ бўлади. АТ Ипак йўли банки мисолида банкнинг харажатларини қуриб чиқамиз.

**АТ Ипак Йўли банкнинг 2006-2008 йиллар якунлари буйича асосий
курсаткичларининг таҳлили - жадвал**

№	Курсаткичлар	01.01. 2009йил	01.01. 2010 йил	01.01.2009 га нисбатан 01.01.2010 йилда ўзгариши	
				фарки	фоизда
1	Хукукий шахслар	404	498	222	180,43
2	Хусусий тадбиркорлар	534	572	234	169,23
3	Омонатчилар	390	437	31	107,63
	ЖАМИ	1328	1507	487	147,74

Манба АТ Ипак Йўли банки

Жадвал маълумотларидан куруниб турибдики, банкнинг умумий мижозлари сони 2009 йилда 1328 тани, 2010 йилда эса 1507 тани ташкил қилган бўлиб, уларнинг сони 487 тага қупайган. Банк Ушбу мижозлардан асосан омонатчилар учун харажатларни амалга оширади. Чунки банк жалб қилинган маблағлар буйича фоизли харажатларни амалга оширади. 2009 йилда 390 та омонатчига фоизли харажат қилган бўлса 2010 йилда 437 та омонатчига фоизли харажат қилган. Фарқи 31 тага ошган. Кейинги жадвалларда харажатлар таркибини кўриб чиқамиз.

**АТ Ипак Йўли банкнинг 2009-2010 йиллардаги харажатлари
таҳлили - жадвал**

Курсаткичлар	01.01. 2009 йил	01.01. 2010 йил	01.01.2007га нисбатан 01.01.2009 йилда ўзгариши	
			фарки	фоизда
Сотиб олинган кредит ресурслари учун туловлар	117126,6	133007,7	88881,7	301,42
Депозитлар буйича фоизли харажатлар	71613,7	31641,9	-25071,8	55,79
Бошқа харажатлар	140770,7	160925,3	10874,6	107,24
ЖАМИ	329511	325574,9	74684,5	129,76

Жадвал маълумотларидан куриниб турибдики, банк сотиб олинган кредит ресурслари учун туловлар 2006 йилда 44126 мин сўмни, 2008 йилда 133007.7 минг сўмни ташкил килиб, уларнинг ўзгариши 88881.7 минг сўмга купайган. Яъни банк томонидан кредит ресурслари бозоридан маблағларга кейинги йилларда катта эътибор берилган.

Депозитлар буйича фоизли туловлар 2006 йилда 56713.7 минг сўмни, 2008 йилда 31641.9 минг сўмни ташкил килиб, 25071.8 минг сўмга камайган, яъни банк томонидан кейинги йилларда депозит сиёсати сусайганлигидан далолат беради.

Бошқа харажатлар 2006 йилда 150050.7 минг сўмни, 2008 йилда эса 160925.3 минг сўмни ташкил этиб, 10874.6 минг сўмга купайган. Банкнинг умумий харажатлари 2006 йилда 250890.4 минг сўмни, 2008 йилда 325574.9 минг сўмни ташкил этиб, 2006 йилга нисбатан 74684.5 минг сўмга купайган. Банк харажатлари 29.76 фоизга усган.

АТ Ипак Йўли банкининг 2006-2008 йиллардаги соф фойдаси тахлили.

-жадвал

Курсаткичлар		01.01. 2009 йил	01.01. 2010 йил	01.01.2007 га нисбатан 01.01.2009 йилда ўзгариши	
				фарки	фоизда
	Банк даромадлари	359 057,50	396 007,00	136957	152,8689
	Банк харажатлари	329 511,00	325 574,90	74683,9	129,7675
	Банк фойдаси	29 494,00	51 634,80	43468,8	632,3145

Банкнинг 2009 йилдаги даромадлари 359 057,50 минг сўмни, 2010 йилда 396007.0 минг сўмни ташкил этиб, банк даромадлари 136957 минг сўмга купайган. Умумий харажатлар 2009 йилда 329 511 минг сўмни ташкил килиб, яъни харажатлар 74683.9 минг сўмга купайган. Банкнинг соф фойдаси 2009 йилда 29 494 минг сўмни, 2010 йилда 51634.8 минг сўмни ташкил этганлиги жадвал маълумотларидан куриниб турибди.

III боб. Ўзбекистон республикасида банкларнинг ресурслар бозорини такомиллаштириш йўллари.

III.1. Банкларнинг ресурс бозорини ривожлантиришда хориж тажрибаси

III.2. Молиявий инқироз шароитида банкларнинг ресурс бозорини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Президентимиз ўз асарларида молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини давом эттириб, навбатдаги хулосани таъкидлаб ўтдилар: «Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади»¹⁰.

АҚШ Федерал захира хизматининг собиқ раиси Алан Гринспен бошчилигида АҚШ федерал захира тизими томонидан олиб борилган нораціонал пул-кредит сиёсати, ҳамда қайта молиялаштириш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида банклар томонидан кредит бериш кўлами кескин ўсди. Федерал захира тизимининг экспансион пул-кредит сиёсати тижорат банкларига тақдим этадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини 1,25%гача пасайтирилишида намоён бўлган эди.

¹⁰ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

Алан Гринспеннинг ипотека бозорларига эътиборсизлиги, ипотека кредитлари бериш талабларининг ҳаддан зиёд эркинлаштирилиши натижасида бозорда кўчмас мулкларга талаб ортди ва уй-жой бозорида нархларнинг қисқа муддат ичида кескин ўсиши кўзатилди.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувофиқлиги натижасида банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари ўта енгиллашиб, бу ҳолат кредитлардан фойдаланишда тўловга лаёқатлик даражасининг ҳисобга олинмаслигига имкон яратди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан амалдаги банк капиталини халқаро тартибга солиш (Базель II) тизими молиявий инқирозни вужудга келиши учун замин яратганлиги эътироф этилмоқда. Маълумки, 90-йилларнинг бошида қабул қилинган банк капиталини халқаро тартибга солишнинг Базель II тизими тижорат банклари учун талаб қилинадиган капитал ёки капиталнинг етарлилиги активларнинг инвестицион сифатлари ва уларнинг риск даражаси бўйича гуруҳлашни кўзда тутди. Натижада Базель II банк капиталларини рейтинг агентликлари хулосаларига асосланган ҳолда юқори рискли активларни секьюритизациялаб, қимматли қоғозларга айлантиришни рағбатлантирган.

Оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотларга кўра, Moody's, Standard & Poors ва Fitch каби рейтинг агентликлари рискли ипотекага асосланган қимматли қоғозларга AAA рейтингини берганлиги билан инқирозга ўз ҳиссасини қўшганликда айбланмоқдалар. Мазкур рейтинг агенликлари томонидан ипотека бозорларидаги қимматли қоғозлар бўйича берилган хулосаларига асосланиб фаолият юритаётган тижорат банклари ва барча ипотека кредитларининг 70% ни тақдим этувчи давлат ипотека агентликлари (Freddie Mac (the Federal Home Loan Mortgage Corporation) ва Fannie Mae (the Federal National Mortgage Association)) активлари сифат кўрсаткичларининг пасайиши кўзатилди ва, пировардида, улар тўлиқ давлат назоратига ўтди.

Юқоридаги ҳолатлар молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини, шунга кўра, ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш орқали янги, соғлом молиявий тизимни шакллантириш зарурлигини тасдиқламоқда.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келиб чиққан қуйидаги учинчи хулосани таъкидлаб ўтдилар: «Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тўзилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ»¹¹.

XX асрнинг охирларида бошланган ва ҳозиргача давом этиб келаётган бозорларнинг глобаллашуви, капиталлар халқаро ҳаракатининг эркинлаштирилиши натижасида АҚШ бозорларида вужудга келган инқироз дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам кенг ёйилди. АҚШ банклари ва ипотека агентликларининг қимматли қоғозларига қўйилма қилинган хорижий инвесторлар молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. АҚШ молия бозорларидаги инқироз жаҳоннинг йирик фонд бозорларидаги конъюнктурага таъсир қилди ва бу ўз навбатида мазкур бозорлардаги фонд индексларида (S&P, Dow-Jones, Nasdaq, FTSE, CAC, DAX, Nikkei, Hang Seng, Shanghai composite, PTC, ММВБ ва б.) ўз аксини топди. Глобал молиявий бозорнинг асосий таркиби ва жаҳоннинг асосий молиявий марказлари

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

ҳисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш суръатлари кейинги йилларда аҳамиятли даражада пасайиб кетди.

Жаҳон молиявий инқирози МДҲ мамлакатларини ҳам четда қолдирмади. Инқроз Россия, Украина ва Қозоғистонда ўзининг жиддий салбий оқибатларини намоён қилди.

Россияда асосан иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритувчи етакчи компаниялар акцияларининг нархлари кескин тушиб кетди. Бу ҳолат биринчи навбатда жаҳон энергетика ресурслари бозоридаги нобарқарор конъюнктуранинг вужуга келиши натижасида содир бўлди.

«Қозоғистон иқтисодий мўъжизаси» деган ном билан танилаётган Қозоғистондаги «очиқ иқтисодиёт» сиёсати ва стихияли тавсифга эга бўлган жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёни глобал молиявий инқроз шароитида ўзининг жиддий камчиликларига эғалигини кўрсатди.

Экспертларнинг эътироф этишларича, Қозоғистонда банклар фаолиятини назорат қилувчи органлар фаолиятининг етарли даражада ташкил қилинмаганлиги натижасида банк тизимининг ташқи қарзлари тижорат банклари мажбуриятлари таркибида шундай даражагача етиб бордики, натижада мамлакат иқтисодиётининг мавжуд ҳолати уларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлмай қолди. Банклар томонидан ташқи кредит ресурслари ҳисобига, биринчидан, кредитларни ўз вақтида қайтара олиш лаёқати шубҳали бўлган қарздорлар учун, иккинчидан кўчмас мулклар бозоридаги спекулятив мақсадлардаги фаолият учун кредитлар берилиши банк-молия тизимининг барқарорлигига путур етказди. Натижада Қозоғистонда ҳам кўчмас мулк объектлари нархларининг маълум бир муддат давомида сунъий равишда кўтарилиши содир бўлди ва бу ҳолат ўзоқ давом этмасдан, кредит бозоридаги дефолт ҳолатини юзага чиқарди.

Ипотека бозоридаги сунъий шакллантирилган юқори нархларнинг кескин тушиб кетиши ва иқтисодиётдаги таназзулли ҳолатлар қатор банклар

ва корхоналарнинг инқироз чегарасига олиб келди. Капиталларнинг четга чиқиб кетиши, сўзиб юрувчи курслар бўйича олинган ташқи қарзларнинг қимматлашуви банк тизимидаги муаммоларда ўз ифодасини топди ва улар активлари сифатининг пасайиши Қозоғистон банкларининг халқаро кредит рейтингининг пасайиб кетишига олиб келди.

Ҳозирда айрим таҳлилчилар, Қозоғистон ҳукуматининг инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича кўраётган чора-тадбирлари мамлакат банк тизими фаолиятини қайта тиклаш учун етарли эмаслигини эътироф этмоқдалар.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирда ривожланиб бораётган молиявий инқироз инфляция, қатор банклар ва молиявий муассасаларнинг таназзулга юз тутиши таъсирида ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва бошқалар негизида иқтисодий инқироз шаклида кучайиб бормоқда. Бундан кўринадики, ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг ўзига хос хусусияти – бу унинг иқтисодиётнинг молиявий секторидан бошланиб, реал секторига ўтганлигидир.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келтириб чиқарилган тўртинчи хулосани қуйидагича баён этдилар: **«Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабўл қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ»¹².**

Шунингдек, 2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизи ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлагани, ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар бугун

¹² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида эмас, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланаётганлигидан дарак беришини таъкидлаб ўтдилар.

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

АҚШ ҳукумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. АҚШнинг собиқ молия вазирининг ташаббуси билан Конгресс «Полсон режаси» деб номланувчи режани қабул қилди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олишди. Бу ҳолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлади.

Масалан, АҚШда Федерал захира тизими қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали хусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаштириш амалиётига ўтиш орқали ликвидлиликни таминлашнинг янги усулига ўтди.

Буюк Британия ҳукумати банklar ва молиявий муассасалар акцияларига 37 млрд. фунт стерлинг маблағларини инвестиция қилишини эълон қилди. Германия ҳукумати эса, банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун капитал ва кредитлар бўйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратишини эълон қилди. Австралия ҳукумати эса барча жамғармачилар пул жамғармаларини 3 йилга кафолатлашини эълон қилди ва ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиш учун 2,6 млрд. доллар маблағ ажратди¹³.

¹³ Манба: Интернет маълумотлари.

Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонидан сотиб олинди.

**Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфланган
молиявий харажатлари** **-жадвал**

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. доллар	Мамлакат ЯИМга нисб. % ҳисобида (2010 йил)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Инқироздан қутқариш бўйича кўрилатган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳақидаги идеологик догмани орқага ташлаб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларида кенг фойдалана бошладилар.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетидан ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилмоқда. Уларнинг ҳажми ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиққан режалари ҳажмига асосланади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё бўйича жами сарфланган маблағларнинг ҳажми 9400 млрд. долларни ташкил қилган. АҚШ ҳукумати сарфлаган маблағларининг ҳажми 3539 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 1020 млрд. долларни (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 37%), Германияда 893 млрд. долларни (23%) ташкил қилган. Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда инқироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия нисбатан кўпроқ азият чекмоқда.

Инқирозни бартараф этиш бўйича мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича ажратиладиган маблағлар маълум мақсадли сарфланиш йўналишларига эга.

-жадвал

Инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари

Мамлакат	Кредит маблағларига давлат кафолати		Молиявий институтлар устав капиталлари га қўйилмалар		Юқори рискли, шубҳали активлар нинг хариди		Бошқалар		Жами
	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	Жами га нисб. %	млрд. долл.	Жами га нисб. %	млрд. долл.	Жами га нисб. %	млрд. долл.
Россия	-	-	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	393	39	79	8	-	-	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539
Германия	539	60	177	20	-	-	176	20	893
Япония	303	53	-	-	-	-	237	47	576
Хитой	-	-	-	-	-	-	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инқирозни бартараф этишга сарфланган жами маблағлар 2008 йилда 6820 млрд. долларни ташкил қилди. Кредит маблағларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланган, яъни жами ажратилган маблағлардаги салмоғи 44% ни ташкил қилган, молиявий институтлар устав капиталига мақсадли қўйилмалар 1155 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, уларнинг салмоғи 17% ни ташкил қилган. Юқори рискли шубҳали активларни харид қилиш учун сарфланган маблағлар ҳажми 674 млрд. долларни ташкил қилиб, уларнинг жами ажратилган маблағлардаги салмоғи қарийиб 10% ни ташкил қилмоқда.

Шуни бугун катта мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, ҳукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инкирозга қарши дастўрнинг инкироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда ўзлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз. Амалга оширган тадбирларимиз қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айтиш пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга. Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу еса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга

оширилишини кафолатлайди. Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошди. Сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди. Натижада банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди.

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истикболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда ўзоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди. Шунинг билан мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, ҳукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастўрнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда ўзлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал

сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтдан бошлаб банк тизимида туб иктисодий ислохотларни амалга ошириш давлатимиз иктисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Айтиш пайтда тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинаётган фойдани максималлаштиришдан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришиш банк активлари даромадлилигини барқарор тарзда ошириб боришни тақозо қилади. Мазкур жараёнда банк активлари даромадлилигини оширишнинг сифат жиҳатига эътибор қаратиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Бунга эришиш учун эса, ҳар бир тижорат банк ўзининг молиявий ресурсларини тўғри бошқара олиши муҳим аҳамият касб этади.

Одатда, банкирлар банк ресурсларини банк пасивлари ҳам деб аташади. Бу ибора банк ресурсларининг асосан банк балансининг пасив қисмида жойлашганлигидан келиб чиққан. Яъни, банк пасивлари - ўнинг ресурс маблағларнинг вужудга келиш манбалари ва уларнинг қайси гуруҳга тааллуқлилигини ифода қилади.

Тижорат банклари ўзларининг актив фаолиятини ўзларида мавжуд бўлган ўз ва жалб қилинган пул маблағлар доирасида юрита оладилар. Айнан пасив операциялар актив операцияларни олиб бориш учун асос яратди ҳамда даромадли операцияларининг ҳажмини ва қуламини аниқлаб беради. Шундан келиб чиқиб, тижорат банклари ресурслари деганда, актив операцияларга асос яратувчи ва уларни амалга ошириш учун ишлатилувчи, уларнинг ҳажми ва масштабини аниқлаб беришчи маблағларга айтилади.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари тармогини кенгайтириш улар уртасида депозитлар, банклараро кредит ва бошқа ресурсларни жалб этиш учун ракобатни юзага келтиради.

Кенг маънода пасивлар операцияларини бошқариш омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб этиш ва мазкур банк учун маблағлар манбалари тегишли комбинациясини белгилаш билан боглик фаолиятдир. Тор маънода эса, пасивлар операцияларини бошқариш деганда заруриятга кура карз маблағларини фаол равишда топиш йули билан ликвидликка булган эҳтиёжни кондиритишга каратилган харакатлар тушунилади. Депозит сертификатларини жойлаштири олиши хамда евродолларлар ёки маблағларни Марказий банкдан карзга карзга олиши мумкинлиги банкнинг кам даромадли иккиламчи захира активларига камрок даражада карам булишига имкон беради. Бу эса, унинг фойда олиш имкониятларини кенгайтиради. Лекин бу операциялар таваккалчилик билан богликдир. Пасивлар операцияларини бошқаришда ушбу кушимча таваккалчиликни ва бундан ташқари, маблағларни жалб этиш харажатлари билан ушбу маблағларни карзлар ва кимматли коғозларга жойлаштиришдан олиниши мумкин булган даромад уртасидаги нисбатни эътиборга олиш керак. Бинобарин, активларни бошқариш ва пасивлар операцияларини бошқариш уртасидаги узаро алоқа банкнинг фойда куриши учун хал килувчи ахамиятга эга.

Ресурслар негизи банк фаолияти учун биринчи даражали ахамиятга эга. Биз биламизки, тижорат банклари активлар операцияларини узларида мавжуд булган хамда жалб этилган пул маблағлари манбалари доирасидагина амалга ошири оладилар. Бинобарин, айти пасивлар операциялари активлар операцияларининг хажми ва микёсини белгилайди. Банк пасивларини шакллантириш ва макбуллаштириш жараёни, тижорат банкларининг ресурс салохиятини ташкил этадиган пул маблағлари барча манбаларини бошқариш сифати мухим ахамият касб этади. Банкнинг барқарор ресурслар негизи унинг активлар операциялари барча турларини

муваффақиятли равишда утказиш имконини беради. Шу сабабли, ҳар бир тижорат банки уз ресурслари негизини ошириб боришга интилади.

Кейинги йилларда банклар уз ликвидликларини таъминлаш учун кенг миқёсда қарз олишдан фойдаланмоқдалар. Қарз маблағларидан фойдаланиш куламини кенгайтириш кейинги йилларда банк кредитларига талаб ошганлиги ва талаб килингунгача омонатлар нисбатан секин қупаяётганлиги билан белгиланади. Иқтисодий ғарзлик қучайиши ва инфляция суръати ошиши ҳужалик фирмаларининг кредитларга оид эҳтиёжлари ошишини англатар эди. Бундан ташқари, фирмалар ҳам, ҳусусий шахслар ҳам ғоиз ставкаларига нисбатан сезгирроқ бўлиб қолганлар. Шулар муносабати билан, таъқидлаб утганимиздек, талаб килингунгача омонатлар қупайиши секинлашди. Ҳаражатлар қупайиши банкларни уз ресурсларидан туликроқ фойдаланишга ундади. Бу эса аввалги йиллардагига нисбатан ссуда/депозитлар қоэффицентининг ошишига олиб қелди.

Бунинг оқибатида банкларнинг маблағларга эҳтиёжи вақти-вақти билан ошади. Банклар ушбу вақтинчалик эҳтиёжни ҳалқаро амалиётда банклараро кредитлар, захира фондлари, РЕПО битимлари ёки евродолларлар бозоридан қарз олиш ёрдамида қондирадилар.

Тижорат банклари уз маблағлари тарқибда асосий роллардан бирини банк қапители бақаради. Банк қапители ликвид молиявий, лекин даромад қелтирмайдиган ёки жуда қам даромад қелтирувчи активларга ҳизмат қилади. Банк уз маблағларининг ҳусусияти шундан иборатки, унинг салмоғи банк ресурсларида қичик бўлишига қарамасдан, у зарур функцияларни бақаради:

Биринчидан, банкни банкрот бўлишидан ҳимоялайди, яъни банк бошқарувчилари юзага қелган муаммоларни ҳал қилгунларига қадар жорий ҳаражатларни қоплаш манбаи бўлиб ҳизмат қилади.

Иккинчидан, етарли миқдорда депозит жалб қилгунга қадар банкни ташқил қилиш, ғаролиятини бошлаш учун зарур маблағ билан таъминлайди.

Учинчидан, банкнинг уз маблаглари мижозларни банкка булган ишончни оширади.

Туртинчидан, банкнинг уз маблаглари банкни ривожланиш учун дастурлар таъминоти, янги банк хизматларини жорий килиш учун зарур маблаг билан таъминлайди.

Бешинчидан, банкнинг уз маблаглари банк ривожланишининг регулятори булиб хизмат килади, яъни тижорат банкларини назорат килиб турувчи муассасалар банкнинг уз маблагларини уларнинг жалб килаётган депозитлари ва тармоқларга ажратилаётган кредитларга мос равишда узгаришини талаб килишади. Бундан келиб чикадиган булсак, хар бир тижорат банкининг фаолияти кенгайиб борган сари, унинг уз маблагларининг салмоги ошиб бориши лозим. Бу билан, банкнинг уз маблагларини холатини тартибга солиш оркали банк фаолиятида юзага келиши мумкин булган рискларни олдини олиш имконияти тугилади.

Хар бир банк фаолиятида жалб килинган маблаглар мухим аҳамият касб этади, чунки банкларнинг уз маблаглари асосан банкни ташкил килиш ва шакллантириш билан боглик вазифани амалга оширса, жалб килинган маблаглар эса, банкнинг баркарор даромад олиш имкониятини таъминлаб туради. Шу боисдан хам, банк тизимининг асосий хусусиятларидан бири, яъни уз маблаглари хисобига узининг фаолиятини амалга ошириб келадилар.

Хулоса килиб айтадиган булсак, хар бир банк узининг ривожланиш стратегиясидан ва банк фаолиятининг йириклигидан келиб чиккан холда ликвидлиликини бошқариш стратегияларини эътиборга олиб, уз фаолиятида куллаши банкнинг ликвидлилигини таъминлаб туришга эришиш мумкин.

Шуни хам таъкидлаб утиш жоизки, банк ресурсларини ликвидлилигининг самарадорлиги ошириш учун албатта ликвидлиликини бошқаришнинг актив ва пасивларни бошқариш стратегиясидан фойдаланган холда узининг актив ва пасивларини шаллантиришса, мақсадга мувофик булур эди. Бунинг учун, банкнинг активларида даромад келтирувчи ва юкори ликвидликка эга булган кимматли коғозлар салмогини ошириб борилиши ва карз мажбуриятларини

узига жалб килган холда пасивлари шакллантирилса, банк фаолиятида ликвидлилик, даромадлилик ва рисклилик уртасидаги энг оптимал нисбатни саклаб туриш имкониятини беради.

Қуйидаги таклифларни келтириб утишни мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз:

- Активларга жойлаштира олиш имкониятига қараб ресурсларни жалб қилиш лозим. Бу таклифни беришдан асосий мақсад шулки, айрим банклар ресурсларни қўп миқдорда ва юқори фойиз ставкада жалб қилиши натижасида ресурсларни активларга жойлаштириб ўлғурмайдилар. Бунинг натижасида банк анча зарар қўриш эҳтимолидан ҳоли бўлмайди.
- Банкларнинг даромад олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида мажбурий захира талабларини камайтириш. Мажбурий захира талабларининг камайтирилиши банкларнинг ўзларида қўпроқ ресурс қилишига ва даромад келтирувчи активларга жойлаштириш имкониятини беради.
- Ресурсларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида НАУ ва Супер НАУ ҳисобрақамларидаги маблағлардан фойдаланишни жорий қилиш. Ҳозирги кунда жаҳон банк амалиётида қўлланиб келаётган НАУ ҳисобрақамларидаги ва СУПЕР-НАУ ҳисобрақамларидаги қўл маблағларини жалб қилишдан кенг фойдаланишади. Бу эса, мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларида фаолиятига жорий қилиш лозим. НАУ ва СУПЕР-НАУ ҳисобрақамларидаги қўл маблағларига эътибор берадиган бўлсак, бу миқдорнинг ҳисобрақамидаги доимий қолдиқ чегарасида банк ва миқдор уртасида шартнома тузилади. Бунга мувофиқ, банк миқдорнинг ҳаракатсиз турган қўл маблағлари доирасида фойиз тулаш тўғрисида шартнома тузади. Миқдор эса, маълум бир муддат давомида банкдаги ҳисобварақ қолдиғидаги қилишилган суммадан фойдаланмайди.
- Тижорат банкларининг актив операцияларида РЕПО операцияларининг қўлмоғини қўпайтириш лозим. РЕПО битимлари активларни қўтиш

кайтириб сотиб олиш шартлари асосида белгиланган кунда ва олдиндан келишилган нархда амалга оширилади. Бундай битимлар вақтинча буш маблағлар учун муҳим канал бўлиб қолган. Чунки, уларнинг иккала томоннинг эҳтиёжларига мослаштириш осон. Улар бир кундан бир неча ойгача муддатга тузилиши мумкин. Лекин қупинча қисқа муддатга тузилади. Таввақалчилик хатари юқори эмаслиги «репо»нинг афзаллигидир. Чунки «репо» битимлари - банк захираларини бараварлаштиришнинг энг яхши воситасидир. Банк активларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятини олган ҳолда сотганида тулов харидорнинг депозит ҳисобварагини дебетлаш йули билан ёки бошқа банкка ёзиб берилган чек орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолда банкнинг мажбурый захиралари камаяди. Чек олганида эса номига чек ёзилган банкнинг захираларига нисбатан сотувчи банкнинг муайян ҳуқуқлари юзага келади. Бу билан тижорат банклари узларининг молиявий ресурсларини бошқариш жараёнида ҳам етарлича даромадга ва ликвид маблағларининг етарли миқдорда таъминлашга имкон беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастўрнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
3. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
4. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси. 2008 йил 5 декабрь.
5. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.

6. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

7. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

8. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

9. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.

10. 2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури // Халқ сўзи, 2008 йил 12 февраль.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг

энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори. // Халқ сўзи, 2007 йил 24 январь.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706-сонли Фармони. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 5 январь.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 23 март.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 17 апрель.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. 2006 йил 26 апрель.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинарлари материаллари, 14 январь— 1 февраль 2009 йил.

1. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

2. Эл-юрт ташвиши билан яшаш, одамларнинг орзу-интилишларига канот бериш – ҳар бир раҳбарнинг бурчи. – Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 20 октябрь, 2-б.

3. Каримов И. “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”. Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

4. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.

5. Каримов И.А. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларининг бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, «Ишонч», 2004 йил 10 февраль, 22-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори. // Халқ сўзи, 2007 йил 24 январь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706-сонли Фармони. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 5 январь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Шахсий

ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 23 март.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 17 апрель.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. 2006 йил 26 апрель.

12. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асослари / Ўқув қўлланма.— Т.: ТДИУ, 2007, 36 б.

13. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б. Аҳоли даромадлари ва уларни давлат томонидан тартибга солиш / Ўқув қўлланма.— Т.: ТДИУ, 2007, 40 б.

14. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодийни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. Т.: ТДИУ, 2005. — 310 б.

15. Бекмуродов А.Ш., Сафаров Б.Ж. Қишлоқ жойларида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишлари / Ўқув қўлланма.— Т.: ТДИУ, 2007, 23 б.

16. Бекмуродов А., Гафуров У. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш йўналишлари, натижа ва муаммолар / Иқтисодий ислохотлар амалда: эришилган ютуқлар ва муаммолар. — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. — Т.: ТДИУ, 2006, 11-21-б.

17. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларида хизмат кўрсатувчи инфратўзилмаларни ривожлантириш йўналишлари / Ўқув қўлланма.— Т.: ТДИУ, 2007, 44 б.

18. Беркинов Б.Б., Пўлатов Н.Т. Акциядорлик жамияти / Ўқув қўлланма.— Т.: ТДИУ, 2007, 41 б.

19. Маҳмудов Н.М. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда инвестициялардан самарали фойдаланиш. – «Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилидир» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тезислари. – Т.: ТДИУ, 2006, 26-б.

20. Рашидов О.Ю., Тожиев Р.Р. Ўзбекистон Республикасида микрокредитлаш тизими ва уни ривожлантириш йўллари / Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 35 б.

21. Салимов Б.Т., Абдуғаниев А., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари / Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 36-б.

22. Тухлиев Б., Азизов О. Солиқ юкини камайтириш – иқтисодиётни юксалтириш омили / Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 34 б.

23. Ходиев Б.Ю. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари / «Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилидир» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тезислари. – Т.: ТДИУ, 2006, 9-11-б.

24. Ходиев Б.Ю., Бегалов Б.А., Мусалиев А.А., Дадабоев Р.А. Пути эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в государственном управлении / Научно-популярное издание. – Т.: ТГЭУ, 2007, 52 с.


Қосимова М.С., Юсупов М.А., Джалалова И.А., Имомов Х.М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожлантириш, муаммолар ва ечимлар / Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 29 б.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти: <http://cbu.st.uz>.

20. Ўзбекистон банклари Ассоциацияси расмий сайти: <http://uba.uz>.

-чизма

Кредитлаш таркибини куйидагича тасвирлаш мумкин



-чизма

Банк сиёсатининг асосий элементлари * Манба:



* Манба: Абдуллаева Ш.З. "Банк иши". Тошкент, ТМИ, 2005 йил.

